

№4/2023

Xalqaro ilmiy jurnal

STRATEGIK

ISSN 2992-9032

KUCH



4 *Davlat boshqaruvining mahalliy vakillik instituti faoliyati: muammo va yechimlar*

41 *Новый узбекистан: возможности и перспективы реализации молодежной политики*

№4/2023

Xalqaro ilmiy jurnal

STRATEGIK

ISSN 2992-9032

Bosh muharrir:
Q.Q. Quranbayev

Mas'ul muharrir:
A.T. Jalilov

Tahrir hay'ati:
A.Sh. Bekmurodov
A.Z. Sa'dullayev
O.A. Xasanov
X.T. Azizov
A.S. Begmatov
A.T. Jalilov
A. Kawano
A. Ospanova
E. Elmurodov
K.B. Qodirov
A.B. Yunusov
Z.T. Luxmanova
N.O. Shodiyev

Tahririyat jamoasi:
A.T. Onorov
N.F.Xalimova
S.H. Diyorov

Dizayner:
B.O. Jontemirov

2022-yil asos solingan

KUCH

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi
Yoshlar ishlari agentligi huzuridagi
Yoshlar muammolarini o'rganish va
istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent,
Islom Karimov, 45.
Telefon: 71-232-61-31
E-mail: info@yomi.uz

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2022-yil 11-avgust 1696-son bilan ro'yxatga olingan.

Maqolalarda keltirilgan iqtiboslar, dalillar, raqamlar va ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgar. Jurnalдан ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Guvohnoma № 1696. 11.08.2022. Toshkent, Islom Karimov, 45.

<p>Isabayev M. DAVLAT BOSHQARUVINING MAHALLIY VAKILLIK INSTITUTI FAOLIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR</p>	4
<p>Yaxshibayev D, Иминова Н. РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ СИФАТИДАГИ ИШТИРОКИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....</p>	14
<p>Бобожонова З. СИНГУЛЯР ИҚТИСОДИЁТ-БАРҚАРОР СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ СИФАТИДА.....</p>	23
<p>Ostonov A. THE ESSENCE OF THE CATEGORY OF SMALL AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP AND ITS SPECIFICITY.....</p>	27
<p>Ражаббаев Р. ЁШЛАРНИ МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</p>	34
<p>Саъдуллоева С. НОВЫЙ УЗБЕКИТАН: ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РЕАЛИЗАЦИИ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ.....</p>	41

Saidova N.
PROBLEMS OF INFORMATION SECURITY IN
NEW UZBEKISTAN AND SOLUTIONS.....47

Xasanov Z.
МИНТАҚАВИЙ СИЁСИЙ–ИНФОРМАЦИОН МАҚОННИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДУНЁ ТАЖРИБАСИ
(Европамисолида).....53

Тўраев С.
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ
КОМПЕТЕНЦИЯСИ.....58

Кушаева Н.
ПЛАН СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ
«УЗБЕКИСТАН–2030» И «САУДОВСКОЕ
ВИДЕНИЕ 2030» НАЦЕЛЕННЫЕ НА ВНУТРЕННЮЮ
ТРАНСФОРМАЦИЮ.....63

Чориева Д.
ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ЗАМОНАВИЙ
АСОСЛАРИ.....69

Мадиев Ш.
ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ.....78

DAVLAT BOSHQARUVINING MAHALLIY VAKILLIK INSTITUTI FAOLIYATI: MUAMMO VA YECHIMLAR

(Namangan viloyati mahalliy Kengashlari misolida)

Maqsad ISABAYEV

Siyosiy fanlari bo'yicha falsafa doktori, Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Maqolada xalq deputatlari mahalliy Kengashlari davlat boshqaruvining quyi vakillik instituti sifatidagi faoliyati sessiyalarni chaqirish va o'tkazish, deputatlarning nazorat-tahlil faoliyatini tashkil etish, mahalliy Kengash sessiyalarida partiya deputatlik guruhleri ishtiroki, mansabdor shaxslarning axborot va hisobotini eshitish, kengash qarorlarining qabul qilinishi hamda Kengash qarorlarining keng jamoatchilikka e'lon qilinishiga doir yo'nalishlarga ajratgan holda tahlil etilgan. Mavjud muammo va kamchiliklar aniqlanib, uning yechimi bo'yicha ilmiy takliflar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: mahalliy kengashlar, sessiya, partiya guruhi, kengash qarori, jamoatchilik nazorati, nazorat-tahlil, hisobot.

Kirish

Mamlakatimizda xalq deputatlari mahalliy Kengashlarining davlat va jamiyat boshqaruvidagi maqomini yanada oshirish, deputatlar faoliyatini rivojlantirish borasida tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda.

“O‘zbekiston – 2030” strategiyasining 75-maq-sadida[1] mahalliy davlat hokimiyati vakillik organla-rini xalqning chinakam “ovozi”ga aylantirish vazifasi belgilangan bo‘lib, mahalliy kengashlarning qonun-chilik bazasini mustahkamlash, vakolat va funk-siyalarini optimallashtirish, hokimlarning mahalliy kengashga rahbarlik qilish amaliyotini to‘liq bekor qilish, kengash raisining huquqiy maqomi, asosiy vazifa va funksiyalari hamda javobgarlik doirasini aniq belgilash kabi yo‘nalishlarni qamrab olgan.

Tadqiqot davomidagi o‘rganishlar mahalliy dav-lat hokimiyati organlarining xalq deputatlari mahal-liy Kengashlari oldidagi hisobdorligi hamda ularning

o‘zaro munosabatlari masalasida qonun hujjatlarida belgilangan normalarning ijrosida kamchiliklarga yo‘l qo‘yilayotgani, ayrim holatlarda qonunbuzilishlar borligini ko‘rsatmoqda.

Asosiy qism

Biz tahlilni shartli ravishda 6 ta: sessiyalarni chaqirish va o'tkazish, deputatlarning nazorat-tah-lil faoliyatini tashkil etish, mahalliy Kengash sessi-yalarida partiya deputatlik guruhleri ishtiroki, man-sabdor shaxslarning axborot va hisobotini eshitish, kengash qarorlarining qabul qilinishi hamda Ken-gash qarorlarining keng jamoatchilikka e'lon qilini-shiga doir yo'nalishlarga ajratgan holda olib bordik.

Sessiyalarni chaqirish va o'tkazishga doir. Ma'lumki, sessiyalar hokim – mahalliy Kengash rah-bari, u yo'qligida esa uning o'rinbosarlaridan biri to-monidan, deputatlarning kamida uchdan ikki qismi


tashabbusi bilan zaruratga qarab, biroq yiliga kamida ikki marta chaqiriladi.

Sessiyani chaqirish holati Namangan viloyatidagi mahalliy kengashlar misolida tahlil etilganda, 2022-2023-yillarning 9 oyida o'tkazilgan jami ses-

siyalarning 185 tasi (83,7 foizi) hokim — mahalliy Kengash rahbari tomonidan chaqirilgan bo'lsa, atigi 23 tasi (10,4 foizi) deputatlarning kamida uchdan ikki qismi tashabbusi bilan chaqirilgan[2].

Tashabbusga ko'ra chaqirilgan sessiyalar sonining yillar kesimi bo'yicha tahlili

- hokim tomonidan
- hokimning o'rinbosarlari tomonidan
- deputatlarning kamida 2/3 qismi tashabbusiga ko'ra



Mazkur diagramma deputatlarning aholini qiyalayotgan dolzarb masalalarini nazorat-tahlil tartibida o'rganib, partiya guruhlarida muhokama qilib, doimiy komissiya orqali sessiya kun tartibiga kiritish holatlari qoniqarli emasligini ko'rsatadi. Misol uchun, 2023-yilning 9 oyi davomida xalq deputatlari Namangan viloyati, Namangan shahar, Yangi Namangan, Kosonsoy, Mingbuloq, Namangan, Norin, Pop, Uchqo'rg'on tumanlari Kengashlarida biror marta ham nazorat-tahlil tadbirlari o'tkazilmagan.

Bizningcha, qachonki, deputatlar saylovchilar manfaatlarini birinchi o'ringa qo'ygan holda o'z saylov okrugida faoliyat olib borsagina, mazkur muam-moli masalalarni hal etish uchun mahalliy kengash sessiyalarini chaqirishga ehtiyoj seza boshlaydi. Lekin ayni hozirgi holatda bu jami o'tkazilgan sessiyalarning atigi 10 foizini tashkil etayotganligi tashabbusning kamligini ko'rsatadi.

“Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 17-moddasiga[3] ko'ra, xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining sessiyalari tegishli hokim, hokim yo'qligida esa uning o'rinbosarlaridan biri tomonidan, xalq deputatlari tegishli Kengashi deputatlari kamida uchdan ikki qismining tashabbusiga binoan ham chaqirilishi mumkinligi belgilab qo'yilgan bo'lsa-da, sessiya chaqirishda ushbu moddaga rioya qilmaslik holatlar qayd etilmoqda. Jumladan, Namangan viloyatidagi mahalliy Kengashlarning 41 ta sessiyasi mazkur sessiyani chaqirish bo'yicha hokimning tegishli qatori qabul qilinmagan holda o'tkazilgan[2].

Shuningdek, “Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 17-mod-

dasiga[3] ko'ra, “Kengash sessiyasini chaqirish to'g'risidagi qarordan deputatlar sessiya ochilishidan kamida yetti kun oldin xabardor qilinadi” – deya belgilab qo'yilgan bo'lsa-da, amalda bu normaga to'liq rioya etilmayotgan holatlar aniqlanmoqda. Xususan, 2022–2023-yillarning 9 oyi davomida bo'lib o'tgan 180 tasi (81,4 foizi) sessiya to'g'risidagi ma'lumotlar (vaqt, sana, joy va kun tartibi) deputatlar e'tiboriga sessiya ochilishidan kamida yetti kun oldin xabar berilgan holda o'tkazilgan. Qolgan 41 ta (18,6 foiz) sessiya ochilishidan oldin deputatlarga kamida yetti kun oldin xabardor qilinmagan[2].


Bundan tashqari, mahalliy Kengashlarning asosiy ish shakli bo'lgan – sessiyalarni chaqirish va OAVlarda e'lon qilish holati ham qoniqarli emas. Deyarli barcha tuman va shahar kengashlarining sessiyasi bo'lib o'tishi to'g'risidagi ma'lumotlari ham keng jamoatchilikka o'z vaqtida (*sessiya bo'lib o'tishidan oldin*) xabar berilmagan. Ma'lumki, xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy reglamentining 12-moddasiga[4] muvofiq, sessiyalar ochiq, oshkora o'tkazilishi hamda ommaviy axborot vositalari tomonidan e'lon qilinib, yoritib borilishi belgilangan. Biroq, mazkur normaga rioya etilmayotgan holatlar uchramoqda. Xususan, 2022-2023-yillarning yanvar-sentabr oylari davomida Namangan viloyatidagi mahalliy kengashlarning bo'lib o'tgan sessiyalarining 89 tasi (*40,3 foizi*) sessiyani chaqirish to'g'risidagi xabar rasmiy OAVlarida e'lon qilinmagan holda o'tkazilgan[5].

Deputatlarning nazorat-tahlil faoliyatini tashkil etishga doir. Ma'lumki, deputat hududda joylashgan davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining mansabdor shaxslariga ularning vakolatlariga

kiradigan masalalar yuzasidan asoslantirilgan tushuncha berish yoki o'z nuqtai nazarini bayon qilish talabi bilan deputat so'rovi yuborish huquqiga ega. Tahlillar deputat so'rovi bilan murojaat etish huquqidan

foydalanish holati ijobiy tomonga qarab o'zgarayotganligini ko'rsatsa-da, biroq partiya guruhlarini so'rovlari bilan murojaat etish holatlari talab darajasida emasligi kuzatilgan.

Yuborilgan so'rovlarning yillar kesimi bo'yicha umumiy soni




Xususan, Namangan viloyatidagi mahalliy kengashlar tomonidan 2022–2023-yillarning 9 oyi davomida yuborilgan 883 ta so'rovlarning atigi 3 tasini partiya guruhlarining so'rovlari tashkil qilgan[6]. Vaholanki, xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy reglamentining 94-moddasiga[4] ko'ra, partiya guruhlarini hokimga, uning o'rinbosarlariga, hokimlikning bo'limlari, boshqarmalari va boshqa tarkibiy bo'linmalari boshliqlariga, shuningdek hududda joylashgan korxonalar, tashkilot va muassasalarning rahbarlariga so'rovlar bilan murojaat etish huquqiga ega ekanligi qayd etilgan. Bizningcha, bu siyosiy partiya va deputatlarning saylov okrugidagi saylovchilarini qiynayotgan muammo va masalalar bilan tizimli ishlamagani, aholi bilan doimiy muloqotda bo'lmaganligini ko'rsatadi.

Deputat va partiya guruhlarini tomonidan yuborilgan so'rovlarning bajarilishi uning ta'sirchanligini oshirish bilan birga, aholining deputatlarga

bo'lgan ishonchining oshishiga olib keladi. Shu nuqtai nazardan yuborilgan so'rovlarning natijasi tahlil etilganda, mazkur yuborilgan so'rovlarning 721 tasi (81,7 foizi)ga javob berilgan. Xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashi deputatining maqomi to'g'risidagi qonunning 8-moddasiga[7] ko'ra, davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining mansabdor shaxslari deputat so'roviga, agar unda boshqa muddat ko'rsatilmagan bo'lsa, mazkur so'rov olingan kundan e'tiboran o'n kundan kechiktirmay javob yuborishlari shart ekanligi belgilab qo'yilishiga qaramay, 84 ta (9,5 foiz) so'rovlarga muddatidan kechikib javob berilgan. 61 ta (6,9 foiz) so'rovga umuman javob berilmagan bo'lsa-da, uning 19 tasi (2,2 foiz)gina sessiyalarda muhokama etilgan xolos[8]. Yuborilgan bitta so'rov muhokamasi natijasida mansabdor shaxs sud qarori bilan jarimaga tortilgan bo'lsa, 6 ta so'rov natijasi bo'yicha hech qanday chora ko'rilmagan.

Yuborilgan so'rovlarning natijasi




Tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, mahalliy kengash deputatlarining davlat idoralari va mansabdor shaxslarga yuborgan deputat so'rovining natijalariga yetarli darajada e'tibor qaratmasligi, sessiyalarda mansabdor shaxslar hisobotlarini eshish, doimiy komissiyalar kun tartiblariga o'z so'rovlari bo'yicha masalalarni kiritishda tashabbuskorlik ko'rsatmasligi, davlat idoralari va mansabdor shaxslar tomonidan deputat so'roviga jiddiy yondashmasligiga sabab bo'lmoqda. Natijada, deputat so'roviga bo'lgan munosabat ham qoniqarsiz bo'lib qolmoqda. Garchi, qonunchilikda deputat so'rovini ko'rib chiqmasdan qoldirish yoki ularni ko'rib chiqish muddatlarini uzrli sabablarsiz buzish yoxud ular yuzasidan bilib turib noto'g'ri ma'lumotlarni qasddan taqdim etish - mansabdor shaxslarga bazaviy hisoblash miqdorining uch baravaridan yetti baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'lishi belgilangan[9] bo'lsa-da, amaliyotda ushbu mexanizmdan umumli foydalanish holati kuzatilmayapti. Bu kabi holatlar, partiyalar, ularning deputatlik guruhlarini, deputatlar o'rtasida siyosiy-huquqiy bilim va ko'nikmalarni

oshirishga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirish lozimligini ko'rsatadi.

Mahalliy Kengash sessiyalarida partiya deputatlik guruhlarini ishtirokiga doir. 2023-yilning birinchi yarim yilligi davomida Namangan viloyati, tuman va shahar Kengashlarida deputatlarining nazorat-tahlil faoliyati bo'yicha amalga oshirilgan ishlari tahlil qilinganda, o'tkazilgan 76 ta sessiya muhokamalariga siyosiy partiyalar tomonidan jami 82 ta masalalar kiritilgan. Har bir sessiya kun tartibida o'rtacha 7 tadan kam bo'lmagan masala muhokama etilganini inobatga olsak, qabul qilingan qarorlar soni nisbiy olib qaraganda 532 tadan ortiqqa to'g'ri keladi. Siyosiy partiyalar deputatlik guruhlarini tomonidan kiritilgan masalalarni ushbu ko'rsatkichga nisbatan taqqoslanganda sessiya kun tartibiga kiritilgan masalalar sonining 15 foizini tashkil etadi. Qonunchilikka muvofiq, sessiya kun tartibiga partiya guruhlarini tomonidan masalalar kiritilishi belgilangan[4] bo'lsa-da, ular tomonidan ushbu masalaga yetarli darajada e'tibor qaratilmagan.

Namangan viloyatidagi mahalliy Kengashlar sessiyalariga partiya guruhlarini tomonidan kiritilgan masalalar foizlarida



Mahalliy Kengash sessiyalarini muhokamasi-ga siyosiy partiyalar guruhlarini tomonidan kiritilgan masalalarning 111 tasi partiya tashabbusi bilan ijro hokimiyati mansabdor shaxslarining eshiltilgan hisobot (axborot)ni bo'lsa, uning 86 tasi (77,4 foizi) eshituv natijasida muhokama etilib, nazorat-tahlil asosida sessiya kun tartibiga kiritilgan masalalar hisoblanadi.

Qarorlar qabul qilish masalalarining bir tomoni bo'lsa, uning ijrosi ikkinchi muhim tarkibiy qismidir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 122-moddasida[10], xalq deputatlari Kengashlarini hokimning faoliyati to'g'risidagi hisobotlarni

eshitish bo'yicha vakolati belgilangan. Shu sababli mazkur sessiya muhokamasiga kiritilgan masalalar bo'yicha qabul qilingan qarorlarning ijrosini nazoratga olib, uni ta'minlash dolzarb vazifalardan hisoblanadi. Amaliyotdagi holat tahlili bu borada siyosiy partiyalarining mas'uliyatini oshirish va doimiy komissiyalar faoliyatini yaxshilash zaruratini ko'rsatmoqda. Xususan, Namangan viloyatidagi mahalliy kengash sessiyalarida ijro hokimiyati organlarini rahbarlariga nisbatan tegishli chora ko'rish bo'yicha 8 ta takliflar kiritilganligi buning isbotidir. Buni birgina ko'rsatkich, ya'ni "Adolat" SDP va O'zMTDP partiyalarini hududiy kengashlarini tomonidan so'nggi yarim



yillikda sessiya muhokamasiga birorta ham masala kiritilmaganligida ham ko'rish mumkin. Shuningdek, O'zbekiston Ekologik partiyasining mahalliy Kengash sessiyalarida ijro hokimiyati organlari rahbarlariga nisbatan tegishli chora ko'rish va takliflarni kiritish borasidagi faoliyatini ham samarali yo'lga qo'yilgan deb bo'lmaydi. Umuman olganda, sessiya muhokamasiga siyosiy partiyalar tomonidan masalalarning kiritish holati mahalliy Kengashlar kesimida tahlil etilganda O'zLiDeP tomonidan barcha mahalliy Kengash sessiyalariga masalalar kiritilganligi, boshqa siyosiy partiyalarning bu boradagi faoliyatini yetarlicha yo'lga qo'yilmaganligini ko'rish mumkin.

Mansabdor shaxslarning axborot va hisobotini eshitishga doir. Ma'lumki, hokimlar har yili mahalliy Kengashga hudud ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining eng muhim va dolzarb masalalari yuzasidan hisobot taqdim etadi. Hokim va mahalliy ijro hokimiyati organlari tomonidan hudud iqtisodiyotining barqaror o'sishini, uning tarmoqlari rivojlanishini ta'minlash, qonun hujjatlarini, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim davlat dasturlari va hududiy dasturlarni bajarish, ijtimoiy sohani rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish va aholi bandligini ta'minlash, uy-joylar qurish va aholi punktlarini obodonlashtirish, ta'lim hamda sog'liqni saqlash sifatini yaxshilash, hududning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy rivojlanishiga oid boshqa masalalarni hal qilish yuzasidan ko'rilgan chora-tadbirlar to'g'risida mahalliy Kengashga hisobot taqdim etishi shart. Mansabdor shaxslarning hisobotini eshitishda quyidagilarga alohida e'tibor qaratib, mazkur yo'nalishdagi eshituvlarni kuchaytirish lozimdir. Shundan kelib chiqib, Namangan viloyatidagi mahalliy Kengashlarda eshitilgan hisobotlar tahlil etilganda, xalq deputatlari Namangan shahar, Namangan, Pop, Uchqo'rg'on, Chortoq tumanlari Kengashlari tomonidan tuman (shahar) ichki ishlar bo'limlari boshliqlari o'rinbosarlarining biror marta ham hisoboti eshitilmaganligi ayon bo'ldi. Vaholanki, qonunchilikda tuman (sha-

har) ichki ishlar boshqarmalarining (bo'limlarining) boshliqlarining o'rinbosarlari — Jamoat xavfsizligi xizmati boshliqlari jamoat xavfsizligi haqida har oyda xalq deputatlari tuman (shahar) Kengashlariga hisobot taqdim etishi[3] belgilab qo'yilgan. Shuningdek, profilaktika katta inspektorlari tomonidan har olti oyda xalq deputatlari tuman (shahar) Kengashlariga hisobot taqdim etishi belgilanganiga qaramay, xalq deputatlari Namangan shahar, Kosonsoy, Mingbuloq, Namangan, Norin, To'raqo'rg'on, Uychi, Uchqo'rg'on, Chortoq, Chust tumanlari Kengashlari tomonidan mahalla huquq-tartibot maskanlarining profilaktika katta inspektorlarining hisoboti umuman eshitilmagan. Bundan tashqari, tuman markaziy ko'p tarmoqli poliklinikalari rahbarlarining hisobotlarini eshitish xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining asosiy vakolatlariga kiritilgan[3]. Shunga qaramay, deyarli barcha mahalliy Kengashlar tomonidan tuman markaziy ko'p tarmoqli poliklinikalari rahbarlarining hisobotlari eshitilmagan.

Hududiy adliya boshqarmalarining boshliqlari har yarim yillik yakunlari bo'yicha (tumanlar/shaharlar adliya bo'limlarining boshliqlari har chorakda) tegishli mahalliy Kengashlariga joylardagi norma ijodkorligi faoliyati hamda huquqni qo'llash amaliyotining holati to'g'risida axborot taqdim etadi. Shuningdek, viloyat, tumanlararo, tuman (shahar) sudlari raislarining tegishli sudning fuqarolar huquqlari va erkinliklarini, shuningdek korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning huquqlari hamda qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini sud yo'li bilan himoya qilishni amalga oshirishga doir faoliyati to'g'risidagi axboroti tegishli mahalliy Kengashlar tomonidan bir yilda kamida bir marta o'z majlisida eshitishi belgilangan.[3] O'rganishlar shuni ko'rsatdiki, 2023-yilning 9 oyi davomida xalq deputatlari Mingbuloq va Uchqo'rg'on tumanlari Kengashlarida umuman tumanlararo, tuman sudlari raislarining axborotlari eshitilmagan. Yuqorida ta'kidlangan eshituvlar natijasida 2023 yilning yanvar-sentyabr oylari davomida eshitilgan jami 674 ta hisobot va axborotlarning 31 tasi (4,6 foizi) muhokama etilib, nazorat-tahlil asosida sessiya kun tartibiga kiritilgan, xolos.

Mansabdor shaxslarga chora ko'rish uchun partiya guruhlarini yoxud doimiy komissiyalar tomonidan takliflar kiritish holati ham qoniqarli emas. Xususan, 2022–2023-yil yanvar-sentyabr oylari davomida 5 nafar mansabdor shaxsga intizomiy jazo, 2 nafariga egallab turgan lavozimidan ozod etish kabi choralar ko'rilgani hali ham mansabdor shaxslarning eshituvi jonli va samarali tashkil etilmayotganligidan darak beradi.

Biroq shuni alohida ta'kidlash lozimki, barcha mahalliy Kengashlarda kotibiyatlar tomonidan hokimning hisobotiga doir materiallar tegishli doimiy komissiya, partiya guruhlarini vakillari va deputatlarga

yubormagan holatda eshituvlar amalga oshirilgan vaziyatlar kuzatilmagan. Shuningdek, hokim hisoboti bo'yicha materiallarni puxta tayyorlash maqsadida tegishli doimiy komissiyalar tomonidan soha mutaxassislarini jalb etgan holda jami 22 ta ishchi guruhlar tashkil qilingan. Bu hokimning hisoboti eshituvlarining 28,6 foizida mana shunday ishchi guruhlar tuzilganligini anglatadi. Bu nihoyatda kamdir.

Kengash qarorlarining qabul qilinishiga doir.

Qonunchilikka muvofiq, muhokama jarayonida sessiya muhokamasiga masalalar dastlabki tarzda ko'rib chiqish uchun tegishli doimiy komissiyalarga kiritish orqali amalga oshirilishi belgilangan bo'lsa-da, amaliyotda ko'p holatlarda doimiy komissiya ko'rib chiqmasdan, sessiya muhokamasiga masalalar kiritilish holatlari saqlanib qolmoqda. Xususan, 2020–2023-yillarning 9 oy davomida jami 20 ta masala sessiya muhokamasiga dastlabki tarzda ko'rib chiqish uchun tegishli doimiy komissiyaga kiritilmagan. Misol uchun, xalq deputatlari Kosonsoy tumani Kengashida 2 ta, Pop va Chust tumanlarida 9 tadan masalalar dastlabki tarzda ko'rib chiqish uchun tegishli doimiy komissiyaga kiritilmagan. Bu esa, aksariyat masalalarni mahalliy hokimlik vakillari, hokimlar tashabbuskor bo'lishiga, ko'plab masalalarni atroflicha o'rganmasdan sessiyalar kun tartibiga kiritilib, sifatsiz qarorlar qabul qilinishiga zamin yaratmoqda.

Shuningdek, partiya guruhlarini tomonidan sessiya muhokamasiga eng muhim va dolzarb ahamiyatga ega bo'lgan masalalarni kiritish holati ham qoniqarli emas. 2022–2023-yillar davomida kiritilgan 59 ta masalalar sessiyada ko'rilgan masalalarning 2,4 foizini tashkil etgan, xolos. Xalq deputatlari Namangan viloyati, Yangi Namangan tumani, Davlatobod tumani, Kosonsoy tumani, Mingbuloq tumani, Chor-toq tumani Kengashlaridagi partiya guruhlarini tomonidan birorta ham sessiyaga masala kiritilmagan.

Bizning fikrimizcha, quyidagi omillar bunga sabab bo'lmoqda:

*Birinchi*dan, aholining muammolarini o'rganish, hududlarda infratuzilmani yaxshilash, ushbu yo'nalishda dasturlarni qabul qilish, "maqsadli byudjet" loyihasi va mablag'larni maqsadli yo'naltirish borasida keng ko'lamli ishlar o'zining ijobiy natijasini bermoqda va bu murojaatlar kamayishiga xizmat qilmoqda.

*Ikkinchi*dan, o'tgan yillar davomida deputatlik guruhlarini tomonidan berilgan masalalarning sessiya kun tartibiga kiritilishi, ko'tarilgan masalalarning ijrosining nazoratsizligi, ko'tarilayotgan masalalar mahalliy hokimliklar qarorlariga bog'liq bo'lib qolayotgani, ushbu yo'nalishdagi masalalarni kiritish bo'yicha tashabbuskorlikka salbiy ta'sirini o'tkazgan.

Mahalliy kengashlar qarorlari samaradorligiga erishishda uning qabul qilinishiga ta'sir etuvchi omillardan yana biri bu mahalliy kengashlar doimiy

komissiyalarining tarkib va soni jihatdan bir xil tartib joriy etilmaganligidir. Ya'ni agar xalq deputatlari tuman Kengashidagi biror deputatning vakolati muddatidan avval tugatilsa, chaqirib olinsa doimiy komissiyalarning tarkibi turli miqdorda bo'lib qoladi. Masalan, 2023-yil 24-iyul kuni Xalq deputatlari Pop tumani Kengashining "Xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashi deputatining maqomi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 3-moddasiga muvofiq, "Xalq deputatlari Pop tuman Kengashiga 6-"Uyg'ur" saylov okrugidan saylangan deputat Egamov Ulug'bek Abdumannonovichning deputatlik vakolatini muddatidan ilgari tugatish haqida"gi VI-70-76-6-84-K/23-sonli qarori qabul qilingan. Unga ko'ra, Xalq deputatlari Pop tuman Kengashiga 6-"Uyg'ur" saylov okrugiga O'zXDPdan saylangan deputat Egamov Ulug'bek Abdumannonovichning deputatlik vakolatini muddatidan oldin soqit qilishni so'rab bergan arizasiga ko'ra deputatlik vakolati muddatidan oldin to'xtatilgan. Natijada Xalq deputatlari Pop tuman Kengashining "Ta'lim, sog'liqni saqlash, madaniyat, sport va ijtimoiy himoya masalalari bo'yicha" doimiy komissiyasi tarkibi bir nafarga kamayganligi sababli, ushbu doimiy komissiya 3 nafar a'zodan iborat tarkibda faoliyat yuritishiga to'g'ri kelgan. Natijada Kengash tarkibidagi 8 ta doimiy komissiyalarning 2 tasi (*Axborot siyosati va mahalliy davlat organlarida ochiqlikni ta'minlash masalalari bo'yicha hamda Ta'lim, sog'liqni saqlash, madaniyat, sport va ijtimoiy himoya masalalari bo'yicha*)ning a'zolari soni 3 nafardan iborat bo'lib qolgan. Qolgan 6 ta doimiy komissiyalarning a'zolari teng miqdorda 4 nafardan iborat tarkibda shakllantirilganligini ko'rish mumkin.

Kengash qarorlarining keng jamoatchilikka e'lon qilinishiga doir. Bugungi kunda mahalliy kengashlarning sessiyalar to'g'risida aholini oldindan xabardor qilish ularning haq-huquqlari va manfaatlariga daxldor qarorlar qabul qilishda fuqarolarning ham faolligini oshirishdagi muhim omillardan hisoblanadi.



Hokimning mahalliy Kengashga bergan hisobotini keng jamoatchilikka yetkazish va aholining e'tiborini bajarilmay qolgan vazifalar va kelgusida amalga oshirilishi rejalashtirilgan ustuvor yo'nalishlarga qarashli ishlari ham talab darajasida emas. Xususan, Namangan viloyatidagi tuman va shahar hokimlari tomonidan berilgan 39 ta (50,6 foiz) hisobotlari mahalliy davlat hokimiyati organlarining rasmiy nashrlari hamda veb-saytlarida e'lon qilingan. Mazkur e'lon qilingan hokim hisobotlarining atigi 19 tasida hisobotning to'liq matni keltirilgan. Qolganlarida hokimning hisobot bergani umumiy tarzda OAVlarda e'lon qilib qo'yilgan, xolos.

Qarorlarning "E-qaror" elektron tizimiga joylanishi, byudjet mablag'lari va xarajatlari bilan bog'liq masalalar, ularning taqsimoti, yer-joy ajratish va shu kabi ko'plab masalalar tizimda ochiq qo'yilishi, natijada, ko'plab qarorlar jamoatchilik tomonidan keng muhokama qilinayotgani sababli, hokimlarning ta'siri orqali aksariyat qarorlarni yopiq tartibda qabul qilishga o'tilgan. Bu orqali, ayrim masalalarni depu-



atlar xabardorsizligi bilan qabul qilish, jamoatchilikdan yashirishga urinish kabi holatlar yuzaga kelgan. Misol uchun, Namangan viloyatida gul bayramini o'tkazish, ayrim tashkilotlarni moddiy qo'llab-quvvatlash bo'yicha qarorlar, budjet va budjetdan orttirilgan mablag'lar qismidan xarajatlar qilingani sabab, jamoatchilik muhokamasiga sabab bo'lmasligi uchun yopiq qaror sifatida qabul qilingan.

Shuningdek, sessiya o'tkazilmasdan turib xalq deputatlari mahalliy Kengashning qarori sifatida "E-qaror" elektron tizimga yuklanayotgan holatlar uchramoqda. Xususan, 2023-yilning may oyidan oktyabr oyiga qadar mana shunday amalga oshirilgan 78 ta holat aniqlangan. Bizningcha bunga ijro hokimiyati mansabdor shaxslarining qonunchilikda belgilangan muddatda Kengashga hisobot berilmasdan qolishi, sessiya kun tartibiga hokimiyat tomonidan tezkor masalalarning kiritilishiga ehtiyojning

tug'ilishi, moliyaviy ("Ochiq budjet") mablag'lar sarf etilishini taqsimlash bilan bog'liq masalalarni tezroq tasdiqlashga bo'lgan urinishlar sabab bo'lmoqda.

Qonunchilikka ko'ra, sessiya muhokamasiga kiritiladigan masalalarni dastlabki tarzda qarab chiqish va tayyorlash uchun doimiy yoki muvaqqat komissiyalar tuziladi. Bu esa uzoq vaqtni oladi. Shu sababli "Oraliq qaror" sifatida "E-qaror" elektron tizimga joylanmoqda. Vaholanki, amaldagi qonunchilikka ko'ra, "oraliq qaror" tushunchasi yo'q. Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy reglamentining 26-moddasiga[4] muvofiq, qarorlar sessiyada ochiq ovoz berish yo'li bilan qabul qilinishi belgilab qo'yilgan.

Bo'lib o'tgan sessiyalarni keng jamoatchilikka e'lon qilib borilishi bo'yicha tahlil etilganda, mahalliy kengashlarning sessiyalarini jonli efirga uzatmaslik kabi holatlar uchramoqda. Mazkur tartibning mahalliy kengashlar tomonidan 2023-yil birinchi yarim yilida ijro etilishi holati tahlil qilinganda, 2023-yil 6 oy davomida Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahar Kengashlari tomonidan jami 102 ta sessiya o'tkazilgan. Ulardan 40, ya'ni 39 foizi mahalliy telekanallar yoki Internet tarmog'i orqali jonli efirga uzatilgan. Misol uchun, xalq deputatlari Xorazm, Jizzax, Namangan, Farg'ona viloyati va Toshkent shahar kengashlari tomonidan 2023-yil 6 oy davomida o'tkazilgan birorta sessiya jonli efirga uzatilmagan. Tuman va shahar kengashlari kesimida 2023-yil birinchi yarim yili davomida Respublika bo'yicha jami 1676 ta sessiya o'tkazilgan bo'lib, ulardan 405 tasi, ya'ni 24 foizi mahalliy telekanallar yoki Internet tarmog'i orqali jonli efirga uzatilgan.

Shunga ko'ra, mazkur tartibning Namangan viloyati mahalliy kengashlari tomonidan 2022–2023-yillarning yanvar-sentyabr oylarida ijro etilishi holati tahlil qilindi. O'rganish davomida xalq deputatlari Namangan viloyati, tuman va shahar Kengashlari tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarning haqqoniyligi, ya'ni Kengash sessiyalari (*yopiq majlislar bundan mustasno*) muhokamasiga kiritilgan kun tartibidagi har bir masala hamda uzluksiz jonli efirga uzatilish holatlariga alohida e'tibor qaratildi. Bunda sessiyalar to'g'risida e'lon qilingan qisqa xabarlar yoki foto va videoreportajlar farmon talablari ijrosini ta'minlamaganlik sifatida baholanib, masofaviy monitoring tartibida translyatsiyalarning sifati va to'liqligi o'rganildi. Xususan, xalq deputatlari Namangan viloyati, tuman va shahar Kengashlari tomonidan o'tkazilgan sessiyalarning 28 tasi (12,7 foizi) mahalliy telekanallar yoki Internet tarmog'i orqali jonli efirga uzatilgan. Jonli efirga uzatilmagan aksariyat sessiyalarni tuman (shahar) hokimligi rasmiy veb-sayt yoki ijtimoiy tarmoqlardagi rasmiy

sahifalarda (feysbuk, instagram, telegram) xabar va yangiliklar shaklida e'lon qilish bilan kifoyalangan.

Hozirgi kunda Mahalliy xalq deputatlari Kengashlari portali tashkil etilgan bo'lsa-da, undagi ma'lumotlar respublika bo'yicha barcha mahalliy Kengashlar faoliyatiga doir umumiy statistika va axborotlar tashkil etadi. Shuningdek, xalq deputatlari viloyat kengashlarining rasmiy veb saytlari tashkil etilgan, biroq tuman va shahar kengashlarining bunday saytlari mavjud emas. Unda asosan tuman va shahar hokimliklarining rasmiy veb saytida axborot e'lon qilib kelinadi. Mazkur veb saytlarning tashkil etilishi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 16-iyundagi Farmoni bilan Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashi sessiyalarini telekanallar, shuningdek, Internet tarmog'i orqali jonli efirga uzatishni ta'minlashga qaratilgan normaning amalda ijrosini ta'minlashga imkon yaratardi. Sababi aksariyat mahalliy kengashlarning sessiyasi jonli efirda jahon internet tarmog'i (www.youtube.com) kanallari orqali yoritib kelinmoqda. Ushbu sessiyaning jonli efirga uzatayotgan tarmoqlarga saylovchilarning ulanishida bir qancha muammolar yuzaga kelmoqda. Xususan, kanal manzilini bilmaslik, axborotning xavfsizligi va boshqa video kontentga qo'yilgan talablar sababli elektoratning katta qismi mazkur tartibdan foydalana olmayapti. Natijada axborotning ochiqligi, sessiyalarning shaffof va adolati o'tishini yoritilishiga to'sqinlik qilmoqda.

Mahalliy ken qabul qilingan qarorlar "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi qonun va "Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy Reglamenti"larida qancha muddat ichida e'lon qilish lozimligi aniq belgilab qo'yilmagan. Faqat xalq deputatlari kengashi chiqargan hujjatlar imzolangan vaqtdan boshlab, xalq deputatlari kengashining normativ-huquqiy tusdagi hujjatlari OAVlarda rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kirishi belgilab qo'yilgan. Xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlari o'z vakolatlari doirasida qabul qilingan qarorlari normativ-huquqiy hujjat hisoblangani sababli, "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 38-moddasida[15]: "Mahalliy davlat hokimiyati organlari normativ-huquqiy hujjatlari matnlarining elektron shakllari ularni qabul qilgan organlarning rasmiy veb-saytlarida normativ-huquqiy hujjat rasmiy e'lon qilinganidan keyin bir kun ichida e'lon qilinishi shart"ligi belgilab qo'yilgan. Shunga qaramay hozirgi kunda mahalliy kengashlarning sessiyada qabul qilingan qarorlari qonunchilikdagi muddatdan kechikkan holda turli muddatlarda OAVlarda e'lon qilingan holatlar kuza-tilmoqda. 2023-yilning iyul oyidan noyabr oyiga qadar "E-qaror" elektron tizimda e'lon qilingan Naman-gan viloyatidagi mahalliy kengashlar qarorlari tahlil

etilganda, 220 ta Kengash qarorlari qonunchilikdagi muddatdan kechikkan holda e'lon qilinganligini ko'rish mumkin.

Xulosa. Yuqorida keltirib o'tilgan muammoli vaziyatlarning ro'y berayotganligi mahalliy Kengashlar faoliyatiga oid qonun hujjatlari talablarining Kengash kotibiyatlari va deputatlar tomonidan yaxshi o'zlashtirilmagani, siyosiy partiyalar deputatlar guruhi faoliyatining sustligi joylarda qonunchilikda belgilangan mexanizmlardan to'liq foydalanilmasligiga olib kelmoqda. Xususan, belgilangan tartiblar va funksiyalarga to'laqonli rioya etilmayotgani, Xalq deputatlari viloyat, shahar va tumanlar Kengashlari faoliyatining rasmiyatchilikdan iborat bo'lib qolishiga zamin yaratmoqda.

Olib borilayotgan islohotlarga qaramasdan, Xalq deputatlari mahalliy Kengashlari deputatlarining tashabbuskorligi yetishmasligi, sessiyalarda deputatlar o'rni va ovozi ikkinchi darajaga qo'yilishiga, Kengash raisi – hokimning ta'siri oshishiga olib kelinmoqda.



Deputatlar va partiya guruhi tomonidan yuborilayotgan so'rovlarning ta'sir kuchi yetarli darajada emas. Bu esa uning javobgarlik masalasini yanada kuchaytirish, ijro hokimiyati rahbarlarining mas'uliyatini oshirishni talab etadi. Tahlillardan xulosa qilish mumkinki, siyosiy partiyalar va deputatlar o'rtasida hamkorlik munosabatlaridagi uzilishlar saqlanib qolmoqda.

Kengash kotibiyatlari tomonidan xalq deputatlari mahalliy Kengashlari faoliyatida shaffoflik, oshkorlikni ta'minlash, me'yoriy-hujjatlar harakatlanishini to'g'ri tashkil etish zarur. Kengashlar faoliyatini rivojlantirish borasida sustkashlikka yo'l qo'yilayotgani, ular zimmasiga yuklatilgan vazifalarga yetarli e'tibor qaratmayotganliklarini ifodalamoqda.

O'zbekiston Respublikasining Yangi tahrirdagi Konstitutsiyasi qabul qilinishi, muddatidan avval o'tkazilgan Prezidentlik saylovlari joylardagi depu-

tatlarning muddatidan avval vakolatlari tugatilishi, Parlament va mahalliy Kengashlarga ham saylov bo'lishi haqidagi fikrning shakllanishi, natijada faoliyatining sustlashishiga sabab bo'lgan. Bu esa, amaldagi aksariyat deputatlarining deputat maqomi, vakolati va majburiyatlari to'g'risidagi bilim va ko'nikmalarning yaxshi shakllanmagani, ayrim deputatlarining siyosiy salohiyati yetarli emasligini ko'rsatmoqda.

Yuqoridagi kabi holatlarni bartaraf etilmasligi, faoliyatiga jiddiy yondashmaslik amalga oshirilayotgan demokratik islohotlarning samaradorligiga salbiy ta'sir o'tkazishi, kelgusi saylovlarda shakllanadigan Kengashlar faoliyatiga ham o'zining ta'sirini o'tkazishi mumkin.

Davlat boshqaruvi tizimidagi mahalliy vakillik instituti faoliyatiga oid mavjud muammolar tahlil etilgan holda, quyidagi **taklif va tavsiyalarni** ilgari suramiz:

- mahalliy Kengashlarning sessiyasi bo'lib o'tishi to'g'risidagi ma'lumotlarni keng jamoatchilikka o'z vaqtida (sessiya bo'lib o'tishidan oldin) rasmiy xabar berish tartibini qonunchilikka kiritish;

- mahalliy kengash deputatlarining Kengashda uni deputatlikka nomzod qilib ko'rsatgan siyosiy partiya manfaatlarini ifoda etishi, partiya va partiya guruhi bilan aloqa bog'lab turishi, uning nizomida belgilangan axloq va intizom qoidalariga amal qilishi qonunchilikda belgilangan bo'lsa-da, uning majburiyatlari tarkibida o'zi saylangan siyosiy partiyalarga axborot taqdim etib borishning shartligi talabi kiritilmaganligi sababli qonunchilikka tegishli o'zgartirish kiritish;

- sessiyada ko'riladigan masalalar ko'payib ket-sa, vaqt qisqa deb umumiy ovozga qo'yish emas, balki "davomli sessiya"ni tashkil etish orqali bir nechta kunlarda o'tkazish tartibini ishlab chiqish;

- navbatdan tashqari shoshilinch masalalar yuzasidan chaqiriladigan sessiyalarning tartibini ishlab chiqish;

- sessiyalarni chaqirish va qaror qilish bo'yicha normalar ta'sirini kuchaytirish, "oralik qaror" qabul qilinishiga barham berish;

- hozirgi kunda Mahalliy xalq deputatlari Kengashlari portali va xalq deputatlari viloyat kengashlarining rasmiy veb saytlari tashkil etilgan bo'lsa-da, tuman va shahar kengashlarining bunday saytlari mavjud emas. Shu sababli mahalliy Kengashlarning alohida rasmiy veb saytlarini tashkil etish;

- "Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy Reglamenti"ning 88-moddasi 4-bandiga har bir viloyat kengashlari tarkibida 10 tagacha doimiy komissiyalar tuzish va ulardan 9 tasining a'zolari sonini 6 nafardan, tuman (shahar) kengashlari tarkibida esa 8 tagacha doimiy komis-

siyalar tuzish va ulardan 7 tasining a'zolari sonini 4 nafardan iborat tarkibda shakllantirish tartibini kiritishni lozim deb hisoblaymiz. Natijada har bir doimiy komissiyaning tarkibi teng miqdorda bo'lishiga erishiladi. Bu esa sessiya muhokamasiga dolzarb masalalarni kiritishda doimiy komissiyalarga teng imkoniyatlarni yaratadi;

- xalq deputatlari mahalliy Kengashi chiqargan hujjatlar imzolangan vaqtdan boshlab, xalq deputatlari kengashining normativ-huquqiy tusdagi hujjatlari OAVlarda rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kirishi belgilab qo'yilgan bo'lsa-da, sessiyada qabul qilingan qarorlar "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi qonun va "Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy Reglamenti"larida qancha muddat ichida e'lon qilish lozimligi aniq belgilab qo'yilmagan. Shu sababli biz, mahalliy kengash sessiyalarida qarorlar qabul qilinganidan boshlab qancha muddat ichida OAVda e'lon qilishi shart ekanligini qonunchiligimizda aniq belgilash taklifini bildiramiz;

- "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi Qonunning 24-moddasi va Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining Namunaviy reglamentining 6-moddalaridagi mahalliy Kengashlarning vakolatlari tarkibiga "Xalq deputatlari Kengashi so'rov bilan murojaat etish huquqiga ega" – mazmunidagi yangi normani kiritish;

- "Siyosiy partiyalar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 14-moddasiga "Mahalliy Kengashlaridagi partiya guruhleri ularda tegishli siyosiy partiyadan mahalliy Kengashlarga saylangan kamida uch nafar deputatdan iborat tarkibda shakllanmagan taqdirda, mazkur kam sonli deputatlar o'z partiyaviy dastur-maqсадlari va vazifalarining yaqinligidan yoki mosligidan kelib chiqqan holda boshqa siyosiy partiya guruhlariga erkin tarzda uyushishi mumkin" – degan yangi norma kiritish;

- siyosiy partiyalarning manfaatlarini Kengash qarorlarida aks ettirish va partiya guruhlarining faolligini oshirish maqsadida "Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy Reglamenti"ning 24-moddasiga "Partiya guruhleri rahbarlarining ma'ruzalari va qo'shimcha ma'ruzalari" – degan yangi norma kiritish;

- saylovlarda partiyalar tomonidan deputatlikka nomzod sifatida ko'rsatilishi rejalashtirilayotgan nomzodlar uchun deputatlik faoliyatini tashkil etish, deputatlik maqomi va imidji, deputatlik nazorati va so'rovlarini o'tkazish tartiblari bo'yicha o'quvlarni tashkil etish;

- mansabdor shaxslarning hisobotlarini eshitish tartibi, eshituvlarni tashkil etishda e'tibor qaratilishi

lozim bo'lgan jihatlar yuzasidan uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqish;

– mahalliy televideniylarda sessiya va bo'yicha onlayn efirlarni tashkil etish bo'yicha chora-tadbirlarni belgilash;

– sessiyalarni onlayn jonli efirda uzatishni ta'minlash maqsadida namuna tarzida Xalq deputatlari

viloyat kengashi kotibiyatini zarur texnika va media sohasidagi malakali kadrlar bilan ta'minlash;

– deputat so'rovlarini elektron shaklda yuborish tizimini yo'lga qo'yish. Bunda har bir hududiy kengashlarning alohida elektron dasturi (mobil ilovasi bilan birga)ni ishlab chiqib, uning ijrosini ta'minlaydigan mexanizm joriy etish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. "O'zbekiston – 2030" strategiyasi to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 11.09.2023-yildagi PF-158-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023-y., 06/23/158/0694-son.
2. "E-qaror" – Mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan qabul qilinadigan qarorlarni ishlab chiqish, kelishish va ro'yxatdan o'tkazishning yagona elektron tizimi // https://e-qaror.gov.uz/search?region_id=6
3. "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 02.09.1993-yildagi 913-XII-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.10.2023-y., 03/23/870/0753-son.
4. "Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining namunaviy reglamenti hamda xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashining doimiy komissiyalari to'g'risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida"gi O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining qarori, 31.07.2021-yildagi SQ-360-IV-son // www.lex.uz/uz/docs/-5578238
5. Mahalliy gazeta, ijtimoiy tarmoq va boshqa OAVlar inobatga olingan.
6. Xalq deputatlari Namangan viloyati, tuman va shahar Kengashlari Kotibiyatlarining hisobot ma'lumotnomasi. 2023-yil.
7. "Xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashi deputatining maqomi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 02.12.2004-yildagi 706-II-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 16.06.2022-y., 03/22/779/0528-son.
8. Xalq deputatlari Namangan viloyati, tuman va shahar Kengashlari Kotibiyatlarining hisobot ma'lumotnomasi. 2023-yil.
9. O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksi, O'zR. 22.09.1994-y.2015-XII-son, 193-moddasi. // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.11.2023-y., 03/23/874/0818-son.
10. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023-yil 30-aprel kuni o'tkazilgan O'zbekiston Respublikasi referendumida umumxalq ovoz berish orqali qabul qilingan // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son.
11. "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 02.09.1993-yildagi 913-XII-son, 252-moddasi // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 06.10.2023-y., 03/23/870/0753-son.
12. www.anticorruption.uz/uz/item/2023/08/16/2023-yil-birinchi-yarim-yilligida-xalq-deputatlari-kengashlari-sessiyalarining-jonli-efirga-uzatilish-holati-tahlil-qilindi
13. <https://kengash.gov.uz/>
14. "Davlat organlari va tashkilotlarining faoliyati ochiqligini ta'minlash, shuningdek, jamoatchilik nazoratini samarali amalga oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 16.06.2021 yildagi PF-6247-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 15.06.2022-y., 06/22/154/0524-son.
15. "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 20.04.2021-yildagi O'RQ-682-son // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.08.2023-y., 03/23/860/0571-son.

Аннотация. В статье описывается деятельность местных Советов народных депутатов как подпредставительного института государственного управления, созыв и проведение сессий, организация контрольно-аналитической деятельности депутатов, участие партийных депутатских групп в сессиях местных Советов, заслушивание информации и отчеты должностных лиц, принятие решений Совета и Совет анализируются путем разделения на направления объявления решений широкой общественности. Выявлены существующие проблемы и недостатки, а также представлены научные предложения по их решению.

Ключевые слова: местные советы, сессия, партийная группа, решение совета, общественный контроль, контрольно-анализ, отчет.

Abstract. The article describes the activities of local Councils of People's Deputies as a sub-representative institution of public administration, the convening and holding of sessions, the organization of control and analytical activities of deputies, the participation of party deputation groups in sessions of local Councils, hearing information and reports of officials, decision-making of the Council and the Council are analyzed by dividing into areas of announcing decisions to the general public. Existing problems and shortcomings are identified, and scientific proposals for solving them are presented.

Key words: local councils, session, party group, council decision, public control, control analysis, report.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ СИФАТИДАГИ ИШТИРОКИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Doniyor YAXSHIBAYEV,

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti
Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar
bo'yicha birinchi prorektori

Наргиза ИМИНОВА,

Тошкент ахборот технологиялари универси-
тети, “АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси
мудири

Аннотатсия. Ushbu maqolada raqamli texnologiyalarga asoslangan mamlakatning barqaror iqtisodiy o'sishi sharoitida AKT sohasida ishlayotgan yoshlar uchun mehnat sharoitlari va mehnatning jozibadorligini yaxshilash bo'yicha iqtisodiy ma'lumotlar asosida tahlillar olib borilgan. Tahlil natijalariga ko'ra, AKT sohasida yoshlar bandligini immigratsiyaning oldini olish bo'yicha tavsiya va taklif berilgan.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт, иқтисодиётда профиллар макси-маллашуви, инвестициянинг АКТ соҳасидаги аҳамияти ва ўрни, АКТ соҳасида бандлик, кадрлар қўнимсизлиги.

Кириш

Ахборот ва унинг ҳукмронлиги даврида рақамлаштириш ва у билан боғлиқ воситаларни бошқариш юзасидан кундалик ҳаётимизда кўп билим ва кўникма талаб этса-да, иқтисодиётни ривожлантиришда кўшимча қиймат яратишнинг улуши бизнинг истеъмолчи сифатидаги иштирокимиз эвазига амалга оширилиши, бошқа мамлакатларнинг технологик ривожланишига ҳисса қўшишимиз билан чекланиб қолмоқда. Бугунги кунга келиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кафолатлансада, уни ўз корхонасига тадбиқ этишнинг риск даражасига кўра кутилажак натижавийликка нисбатан қатъиятсизлик орқали корхоналар мазкур

рақамли технологияларни бошқариш билимига эга ишчи ва ходимлардан фойдаланиш танловини йўқотилиши эҳтимолини ўйлаб кўрмаяптилар. Бу ўз навбатида етук ва малакали кадрларнинг хориж мамлакатларига кадрлар қўнимсизлигининг иммиграцион оқимини юзага келтирмоқда. Шунга кўра, “рақамлаштириш авлодлари”ни мамлакатимизда ўз фаолиятини олиб боришлари ҳамда юритишлари учун, ижтимоий-ҳуқуқий шароитларнинг яратилиши етарли эмаслигини амалий ҳолатини инобатга олган ҳолда, унинг иқтисодий жиҳатдан рад этиб бўлмас имтиёзларини ошириш, рақамли технологиялар борасидаги билимга эга ёшларни ички кадрлар бозорида сақлаб қолиб, иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш аҳамиятига алоҳида урғу бериш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот ва изланишлар олиб бориш натижа-сида рақамлаштиришда кадрлар қўнимсизлиги-ни иммиграцион ҳолати бўйича олимларнинг қарашлари баъзи рисолаларда иқтибос сифатида келтирилган бўлса-да, изчил ўрганилгани йўқ. Шунга кўра, мавзуга доир тадқиқотлардан АҚШ олимлари Merl C. Hokenstad ва James Midgley “Lessons From Abroad: Adapting International Social Welfare Innovations” номли китобида “АКТ соҳа мутахассислари доимо хорижга интилишади, негаки, улар ўзларининг мамлакатидagi имкониятларини тор ва кам ҳақ тўланадиган деб қарашади бўладилар” – деган мулоҳазани келтиришади, бунда қандай қилиб ақлли шаҳар юзага келишида хорижий АКТ мутахассисларининг ўрнини асослаб беришган. Латвия иқтисодчи олими Борсов АКТ соҳасидаги мутахассисларнинг халқаро бозордаги талабини тадқиқ этган ҳолда уларнинг нафақат АКТни билиш даражаси, балки дунёқарашининг юқорилиги, тил ўрганиш ва ундан фойдаланишда қийинчиликларни тан олмайдиган касб вакиллари сифатида эътироф этган. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ҳатто машина ҳайдовчиси бўлиб туриб ҳам АКТ соҳаси мутахассис сифатида иш фаолиятини юритаётган иммигрантларни маълум қисми Латвияда иммиграцион АКТни шакллантирган. Миллий олимларимиздан Халқаро меҳнат бозори ва миграцияни тадқиқ этишда З.Қодирова АКТ соҳаси ва унинг мутахассисларининг халқаро бозордаги аҳамиятини қисқача баён этганлар.

Тадқиқот методологияси

АКТ соҳаси ва унинг бошқа тармоқлар учун аҳамиятини тадқиқ этишда тегишли статистик маълумотларни кузатиш, эксперт баҳолаш, иқтисодий ҳодиса ҳамда жараёнларга нисбатан тизимли ва омилли ёндашув, қиёсий таҳлил орқали хулоса берилган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижа


АКТ соҳасида рақамлаштиришга доир технологияларнинг бугунги ва келаси ўн йиллик иқтисодий ва технологик жараёнларни бошқаришдаги ўрнини англаган талаба-ёшлар ўзининг келгуси касбини шунга мос тарзда қуришга интилади. Рақамлаштириш ва унга тегишли бўлган технологик, иқтисодий ва молиявий жараёнларни бошқариш юзасидан касб эгаллашга



интилган ёки эгаллаган кадрларнинг аксарияти бирдан ортиқ профильга эга саналади. Уларнинг ўз касбларини давом эттиришда эгаллаган билим ва кўникмалари биргина соҳа ёки ихтисосликни ташкил этмайди, борди-ю бу ҳолат содир бўлса-да, уларнинг олдиларида турган имкониятларнинг тобора кўпайиб бориши натижасида, рақамлаштиришга оид жараёнларни ўрганишга интилишлари ошади.

Рақамлаштириш, аввало, ахборот компьютер технологиялари ва уни дастурлашга тегишли бўлган дастурчиларни назарда тутган ҳолда, бугунги кунда сунъий интеллект ҳамда махсус дастурий таъминотни шакллантиришга хизмат қилувчи касб вакиллари, ёшларнинг фаолияти самарадорлигини тадқиқ этишга қаратилган. Бунинг мантиқий ва амалий жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, статистик тафсилотларга юзланамиз: ахборот технологиялари соҳасида ишловчилар ва уларнинг сони (1-расм), хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон Республикасидаги уй хўжаликлари улуши (2-расм), кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми (3-расм), асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи (4-расм), ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми (5-расм).

АКТ соҳасида ишловчи ходимлар сони дунё миқёсида кескин ошиб кетиб, уларнинг ривожланган корхоналар учун самарадорлиги юқори бўлгани туфайли рақамлаштириш ва у билан шуғулланувчи ёшларга бўлган талаб кескин ошди. Бу ҳолат бизнинг мамлакатимиздаги амбицияга эга ёшларнинг орасида ҳам ўзига хос таъсири кузатилиб, уларни алоҳида тадқиқ этиш соҳаларига мурожаат қилиш орқали ички ва ташқи ходимларни назорат қилишни талаб этди (1 расм).



1-расм. АКТ секторда ишловчи ходимлар сони[8]

АКТ соҳасида фаолият юритаётган ходимлар сони йил сайин ошиб бормоқда, уларнинг аксарияти 2018 йилдан бугунги кунга қадар кескин ошиб, уларнинг орасида 11 ёшдан 45 ёшга қадар бўлганлар кузатилади. Сўнги 5 йил ичи-

да мазкур соҳада банд бўлганлар сони 20 мингга ортиб, уларнинг 47,2 фоизи ўзининг иккинчи касби сифатида ўрганиб, оқибатда шу соҳадан касбий карьера фаолиятини давом эттириб кетган ёшлар саналади. (1-жадвал)


1-жадвал

Профилини ўзгартирган мутахассислар ҳамда уларнинг улуши, 2018–2022 йй [8]

№	Ўз мутахассислигини АКТ сектордаги иш фаолиятига ўзгартирган		
	Ихтисосликдаги касб вакиллари	Улуши, фоизда	Киши
	Математик педагоглар	21,1	6427
	Архитектор ва қурувчилар	17,24	5252
	Энергетиклар	16,18	4929
	Автомобилсозлик ва машинасозлик вакиллари	16,12	4910
	Иқтисодчи ва молия соҳаси мутахассислари	15,55	4737
	Кончилиқ иши вакиллари	5,79	1764
	Лингвистлар	3,52	1072
	Тарихшунослар	2,8	853
	Расомлар ва дизайнерлар	1,7	518

2022 йилга келиб сўнги беш йил давомида АКТ соҳасида банд бўлган ходимларнинг ўртача сони 50469 тани ташкил этиб, ундан 50 фоиздан ортиғини бошқа мутахассисликка эга бўлган кадрларнинг эгаллаши эвазига кескин ошиб борган. Жумладан, математик педагогларнинг сони 6427 тани ташкил этиб, бу ўртача жами мазкур соҳада етиштирилган кадрларнинг 21,1 фоизига тўғри келади. Тадқиқот натижаларига кўра, АКТ соҳасига йўналтирилган билим беришнинг олий таълим муассасалари ҳамда ундаги ихтисосликлардаги квоталарнинг икки баробар кўрсаткичга тўғри келади. Мазкур соҳани эгаллашда ўқитувчи-педагогларнинг олий таъ-

лим муассасаларида кўрсатадиган амалий кўмагидан кўра интернетдаги мавжуд видеолар, дарсликлар ҳамда ўқув марказлари хизматининг улуши эвазига АКТ соҳасидаги мутахассисларнинг ошиб бориши, шунингдек уларнинг шахсий портфолиосининг шаклланиши орқали иш билан таъминланиши кўп муаммо ва иш талаб этмаслиги кузатилади. Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, АКТ соҳасида банд бўлган ёшлар интернетдан фойдаланиш ва унинг хизматларини кенгайтиришдаги амалий таъсири ошиб бориши эвазига хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига уй хўжаликлари улуши ошиб бормоқда (2-расм).



2-расм. Хизмат турлари бўйича интернетга кириш имкониятига эга уй хўжаликлари, 2017–2022 йй, фоизда[8]


2017 йилда қайд қилинган хизмат турлари бўйича интернетга кириш имконияти хизматларни ўзини ҳам ривожланиши, уларнинг сифати ҳамда иш фаолияти ҳажмини кенгайтиришга сафарбар этган бўлиб, қайд қилинган тор йўлак-ли тармоқларга қараганда қайд қилинган кенг йўлак-ли тармоқлардан фойдаланиш улуши ошиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Қайд қилинган ер устидаги кенг йўлак-ли симсиз тармоқларнинг улуши тор ва кенг йўлак-ли симли тармоқларнинг жамлаштирилган улушидан кўпроқ улушни ташкил этиши йил сайин ортиб бормоқда. Сунъий йўлдош орқали тармоқдан фойдаланиш 2019 йилдан қайд этилиб, унинг хизматларини молиявий жиҳатдан нисбатан юқориқ пул маблағини талаб этиши эвазига улуши сўнги икки йил ичида камайишини кузатиш мумкин. Портатив қурилмадан фойдаланиладиган кенг йўлак-ли мобил тармоқлар сўнги 5 йилда 20 фоизга ошиб, интернет трафикларидан фойдаланиш ва уларни таклиф этиш бизнес моделларини янада ривожланишига туртки бўлди. Компьютерга мослаштирилган карта ёки модемлардан фойдаланиш хизмат турлари бўйича интернетга киришнинг диверсификацияси ва унинг имкониятларининг кенгайиши эвазига эгалаган фоиз улуши сўнги 5 йилда

2 баробарга пасайиб кетиши кузатилади. Бу ўз навбатида хизмат турларидан фойдаланишнинг имкониятлари юзасидан унинг истеъмолчиларининг танловигагина эмас, балки ундан фойдаланиш даражасига, муқим фойдаланиш маконларининг кенгайишига, хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш ҳудудларнинг рақамлаштириш трансформациясига ўтиш жараёнига асосланади. Хусусан, интернетдан фойдаланишда 2022 йилда 47,8 фоиз корхона ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизмат эвазига шакллантирилган. [5] Интернетга уланган корхона ва ташкилотлар улуши 2022 йилда жами корхона ва ташкилотларнинг 18,8 фоизини ташкил этган бўлса, корхона ва ташкилотларнинг интернетга уланган компьютерлари сони 667842, шунингдек, локал тармоққа уланган компьютерлар сони 568589 тадан иборат.[6] Сўнги 5 йиллик статистик маълумотларга асосланган мазкур кўрсаткич ўртача корхона ва ташкилотларнинг интернетга уланган компьютерлари сони 484 минг ва локал тармоққа уланган компьютерлар сони 437 минг бирликка тўғри келади. Уларнинг 21,1 фоизи рақамлаштириш технологияларидан фойдаланади ҳамда ўзининг интернет орқали бошқариш тизимига тегишли хизматлардан фойдаланиш фаолияти

административ масалаларни ҳал қилиш билан чекланмаган. Жумладан, таълим тизимининг рақамлаштирилиши, иш билан бандликни бошқариш ва кўмаклашиш хизматларининг рақамлаштирилиши сингари фаолият юқорида таъкидланган жумлани тасдиқлашга ўринли асос бўла олади.

Кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажмини тадқиқ этганда, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва у билан банд

бўлган ишчи ва ходимларнинг 50 фоиздан ортиқ улушини ташкил этади. Рақамли технологияларнинг алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг мавжуд бўлмаслиги, бугунги кун истеъмолчиларининг эҳтиёжи эмас, балки талабига айланиб улгурганлигини, унга таклиф бериш учун ғоялар контингенти ҳам истеъмолчиларнинг истакларига кўра шакллантирилиши билан изоҳлаш мумкин. (3-расм)



3-расм. Кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми, 2015–2022 йй, амалдаги нархларда, млрд. сўм[8]

Ноширлик хизмати ҳажми 2015 йилдан 2022 йилга қадар таҳлил қилганда 8 баробар ошганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бугунги кунда ноширликнинг оператив имкониятларининг кенгайганлиги эвазига, халқимиз тадбиркорлари ва ёшларининг эстетик тақдим қилиш билан боғлиқ тактикасини эгаллагани эвазига ноширлик хизматида аксарият мурожаати реклама, визит карталари, турли баннерлар ҳамда лойиҳавий китоблар, шунингдек китобларни нашр қилишнинг конгломератив характерининг ошганлиги ҳисобига шаклланган. Телевидение ва дастурларни кинофильмлар ишлаб чиқариш бўйича хизматлар, овоз ёзиш ва мусиқа асарларини нашр қилиш юзасидан таклиф этилган хизматлар ҳажми

2015 йилдан 2022 йилга қадар 7 баробар ошиши эвазига, бу соҳада мутахассисларнинг аксарияти рақамли технологияларига қаратилган профиль эгаларининг кўпайишига хизмат қилган. Телерадиоэшиттириш ва дастурлар бўйича хизматлар 2015 йилдан 2022 йилга қадар 10 баробар, телекоммуникация хизматлари 3 баробар ошган бўлса-да, унинг асосий ривожланиши компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматларининг 35 баробар ҳамда ахборот соҳасидаги хизматларнинг 40 баробар ошиши эвазига хизматларнинг рақамли трансформациясининг таъсирида амалга ошган саналади. Компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматларининг асосий хизмат кўрсатиш сегменти логис-

тика, тўқимачилик саноати корхоналарининг дастгоҳларини бошқариш, телевизор ва кондиционерларни рақамли имкониятларини тақдим этиш, хавфсизлик ва назоратга қаратилган видеокузатув воситалари билан боғлиқ хизматлар, шунингдек, умумий озиқланиш ҳамда тижорат банкларига, давлат хизматларига, савдо марказларига тегишли дастурларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишларни қамраб олган.

АКТ соҳасидаги юқорида келтирилган статистик маълумотлар ҳамда динамик ўзгаришларнинг барчаси ўсувчи кўрсаткичларни ташкил этиши қуйидаги омиллар билан асосланади:

1. Дунё мамлакатларида АКТ соҳасидан фойдаланиш орқали юқори даромадга эга бўлиш имконияти;
2. Мазкур соҳа келгуси ярим аср давомида энг талабгир соҳа бўлиш эҳтимолининг кутилиши;
3. Эркин ижодий қарашлар орқали инсон руҳиятининг актив прогрессияга эгалиги;
4. Ўзаро рақобатнинг мавжудлиги эвазига инновацион фаолият, инвестицион фаолият ҳамда янги бизнес моделлари учун андозавий имкониятларни қамраб олиши;
5. Эркин иш графиги ҳамда мустақил фаолият юритиш имтиёзларининг мавжудлиги;
6. Молиявий жиҳатдан моддий эҳтиёжларини қондира олувчи иш ҳақига эга бўлиш;


7. Муқим карьеравий ўсиш эмас, балки портфолио билан мутахассислигини тақдим эта олиш;

8. Бошқарув ходимлари томонидан бошқарилмаслиги, фақатгина шартнома шартларини бажариш юзасидан маъсулият ва мажбуриятларини бажариш;

9. Карьеравий ўсиш учун тажрибавий қарамликнинг мавжудмаслиги, яъни вертикал функционаллашган;

10. Ҳар 10 тадан 7 та корхонада талабгир соҳа вакили бўлиши рейтингига эгалиги.

Мазкур санаб ўтилган омилларнинг орасида моддий жиҳатдан тадқиқ этганда асосий иқтисодий фаолият тури “Алоқа ва ахборот” соҳаси доирасида бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ҳажми билан асослашнинг ўзи кифоядир. Хусусан, 2015 йилда корхона ва ташкилотлар томонидан ёлланган ходимларнинг иш ҳақи ойига ўртача 1,759 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич 6 баробарга ошиши натижасида 7,56 млн. сўмдан иборат бўлди. Мамлакатимизда ўртача иш ҳақи 2015 йилдан 2022 йилга қадар 22 фоизга ўсган бўлса-да, мазкур соҳа вакилларининг ойлик иш ҳақининг фоиз кўрсаткичлари анча юқори натижага эга. (4-расм)



4-расм. Асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” соҳасида бўлган юридик шахсларда ишловчи ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи, 2015–2022 йй, минг сўм


Ахборот ва алоқа соҳасида ишловчи ходимларнинг аксарият қисми хориж компанияларининг буюртмаларига кўра, иш фаолиятини олиб борадилар, уларнинг ўртача иш ҳақи мамлакатимиздаги тўлов билан катта фарқ қилиб, камида 17 млн.сўм бўлса, кўпи билан 265 млн. сўмдан ортиқ пул қийматини ташкил этади.

2019 йилда бошланган Ковид-19 Пандемия даврида АКТ соҳасида ишловчи ходимларнинг кескин ошиши кузатилган бўлиб, уларнинг тажрибаларини тезкор кўтариб олиш имконияти эвазига хориж мамлакатларига оқими кескин ошди. Жумладан, 2015 йилда хорижий компанияларга АКТ соҳасида хизмат кўрсатиш учун ёлланган

мамлакатимиз фуқаролари 964 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб мазкур кўрсаткич 2 164 тани ташкил этган. Пандемия аломатлари ва таъсири сустралган пайтда, яъни 2021 йилда мазкур кўрсаткич 3 380 тани қамраб олган. 2022 йилда хорижий компаниялар томонидан ёлланган миллий АКТ мутахассисларнинг сони 700 тага ошиб, 4080 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткичларнинг тобора ошиши эҳтимолининг юқорилиги туфайли мутахассис кадрларнинг иммиграцион оқимини олдини олиш ҳамда уларнинг ўз хоҳишларига

кўра, мамлакатимизга хизмат қилиш имтиёз ва имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади.

2021 йилда АКТ соҳаси мутахассислари ҳамда электрон тижорат фаолиятини олиб боришда даромад солиғи ставкаларининг нисбатан паст белгиланиши, тижорат олиб боришда молиявий ва ҳуқуқий асосга эга имтиёзларнинг қўлланилишининг ўзи етарли бўлмай қолганлиги туфайли, кадрларнинг иммиграцион қўнимсизлик оқимининг олдини олишга қаратилган механизм ишлаб чиқиш ва уни фаоллаштириш талаб этилади.



5-расм. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми, 2015–2022 йй., млрд сўм¹

Рақамлаштириш ва АКТ соҳасида банд бўлганлар сонининг ошиб бориши иш ҳажмини ҳам ошишига туртки бўлиши натижасида, ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаларида яратилган, қўшилган қиймат 2015 йилдан 2022 йилга қадар ахборот технологиялари сектори асосан АКТ хизматлари эвазига яратилганлигини ва йил сайин унинг улуши ортиб боришини кўриш мумкин. Мазкур қийматни янада ошириш, шунингдек мутахассисларнинг қўнимсизлигининг иммиграцион оқимини олдини олиш мақсадида “IT Park”лар қошида “Coworking” марказларини ташкил этиш, АКТ соҳасида тайёр мутахассисларни

иш билан банд қилиш тизимини мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўишини таъминлашга боғлиқ ҳолда йўлга қўйиш ҳамда уларнинг иш ҳақи тўловларини объектларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларга кўрсатилган хизматдан ташқари “IT Park” томонидан таклиф этилган хорижий компанияларга қўшимча ишга ёлланиши эвазига хизмат кўрсатишни амалга ошириш АКТ соҳасида банд бўлганларнинг 71,1 фоизи ёшларга тўғри келишини инобатга олганда, уларнинг иқтисодий фаол аҳоли сифатидаги иштирокининг самардорлигини ошириш мумкин. Мазкур таклиф илмий асослаш мақсадида инглиз олими Ф.Гальтон томонидан “квинкус” моделидан фойдаланиш тавсия этилади. Унга кўра, биномал коэффици-

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

ентдан мутахассисларнинг қўнимсизлигини иммиграцион оқимини олдини олиш учун имкониятларнинг ва имтиёзларнинг кўпайтирилиши қандай таъсир қила олишини аниқлаш мумкин.

$$\binom{n}{k} p^k (1 - p)^{n-k} \quad (1) \quad [6]$$

Бу ерда:

$\binom{n}{k}$ -қўнимсизликни олишга қаратилган имтиёзлар ва мутахассислар учун кадр-қийматга эга сабаблар;

p-оғишларнинг эҳтимолли коэффициенти (одатда 0,5 коэффициентда олинади, бизнинг ҳолатимизда 4 та имтиёз ҳисобига 0,25 ни ташкил этади);

$$r_{i,j} = \frac{x_{i,j}}{\sqrt{\sum_{k=1}^m x_{k,j}^2}} \quad [6]$$

Кўзланган матрицани шакллантириш, яъни қўнимсизлик йўлларининг эҳтимолларини аниқлашда (2) формуладан фойдаланилади. Бу ерда:

$r = (x_{i,j})_{m \times n}$ меъёрлаштириш коэффициенти;

$i=1,2,\dots,m; j=1,2,\dots,n$.

унинг натижавий ўлчамларининг ўзлаштирилишида қуйидаги (3) формуладан фойдаланилади:

$$w_j \cdot q \frac{w_j}{\sum_{k=1}^n w_k} \quad [7]$$

W_j -натижавий ўлчам;

v_j -ўзлаштириш индикаторлари.

Танловларнинг ижобий ва салбийлигини кўрсатиб туришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

(Ижобий)

$$A_w = \{(\max(t_{ij}|i = 1,2,\dots,m)|j \in J_-), (\min(t_{ij}|i = 1,2,\dots,m)|j \in J+)\} =$$

(Салбий)


$$A_b = \{(\min(t_{ij}|i = 1,2,\dots,m)|j \in J_-), (\max(t_{ij}|i = 1,2,\dots,m)|j \in J+)\} =$$

Уларнинг ўртасидаги тафовутни аниқлаш:

$$d_{iw} = \sqrt{\sum_{j=1}^n (4,25 - 1,25)^2} \quad [7]$$

$$d_{ib} = \sqrt{\sum_{j=1}^n (3,3 - 0,9)^2} \quad [7]$$

Хулоса. Юқоридаги формулалардан тегишли кетма-кетликда фойдаланиш орқали АКТ соҳасида кадрларнинг қўнимсизлигининг иммиграцион оқими ижобий натижавийлиги 1,25 ни ҳамда салбий таъсири 0,5 ни ташкил этиб, ижобий ҳолатда АКТ соҳаларида хизмат кўрсатишда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг келгуси 5 йиллик истиқболи қуйидагича ўзгариши кутилади:



5-расм. АКТ соҳаларида хизмат кўрсатишда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми прогнози, 2024–2028 йй, млрд. сўм²

² Муаллиф ишланмаси

Гальтон ҳамда матрицавий тақсимот моделларидан фойдаланиш орқали ҳисобланган кўрсаткичлар ёшларнинг АКТ соҳасида банд бўлишнинг кўнимсизлигини иммиграцион олдини олиш ҳисо-

бига қўшилган қиймат яратиш даражаси ва улуши янада ошади. Бу ўз навбатида интеллектуал инвестицияни ҳамда инсон капитали кўрсаткичларини салмоқли ошишига туртки бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Merl C. Hokenstad, James Midgley. Lessons From Abroad: Adapting International Social Welfare Innovations. 2004-y, NASW Press, 166 pages
 2. Borzovs, Juris & Jr, Juris. (2000). An IT specialist who is of interest?. Baltic IT Review. 72-73.
 3. Қодирова З.А. Халқаро меҳнат бозори ва миграцияси. Т.: 2021 йил 314 б.
 4. Ladjel Bellatreche, Ahmed Hassan, Philippe Fournier-Viger, Ahmed Awad, Abderrahim Ait Wakrime. Advances in Model and Data Engineering in the Digitalization Era : MEDI 2022 Short Papers and DETECT 2022 Workshop Papers, Cairo, Egypt, November 21-2
 5. Advances in Model and Data Engineering in the Digitalization Era: MEDI 2022 Short Papers and DETECT 2022 Workshop Papers, Cairo, Egypt, November 21-24
 6. Cristiana-Maria Schena. FinTech, BigTech and Banks : Digitalisation and Its Impact on Banking Business Models. Springer International Publishing AG, 2019, 322 p
 7. <https://web.archive.org/web/20080408163252/http://www.mathsisfun.com/probability/quincunx-explained.html>
 8. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>
-

Annotation. *In this article, analyzes are made based on economic data on improving the working conditions and attractiveness of work for young people working in the field of ICT in the conditions of sustainable economic growth of the country based on digital technologies. According to the results of the analysis, a recommendation and a proposal on immigration prevention of youth employment in the field of ICT is given.*

Key words: *digital technologies, digital economy, maximization of profiles in the economy, importance and role of investment in the field of ICT, employment in the field of ICT, personnel instability.*

Аннотация. *В данной статье на основе экономических данных проведен анализ улучшения условий труда и привлекательности труда для молодых людей, работающих в сфере ИКТ, в условиях устойчивого экономического роста страны на основе цифровых технологий. По результатам анализа даны рекомендации и предложения по иммиграционному предотвращению занятости молодежи в сфере ИКТ.*

Ключевые слова: *цифровые технологии, цифровая экономика, максимизация профилей в экономике, значение и роль инвестиций в сфере ИКТ, занятость в сфере ИКТ, кадровая нестабильность.*

СИНГУЛЯР ИҚТИСОДИЁТ- БАРҚАРОР СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИ СИФАТИДА

Зарнигор БОБОЖОНОВА,

ТАТУ, “АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси
в.б. доценти, и.ф.ф.д

Аннотация. Мазкур мақолада сўнги йилларда мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда технологик имкониятларини кенгайтиришга, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган рақамлаштириш, инновация, трансформацион жараёнларни келгуси йилгирма йилда ортда қолдирувчи наноиқтисодий тизим ва қарашлар ҳамда унинг шаклланиб келаётганлигини асослашга бағишланган.

Калит сўзлар: инновацион бошқарув, инвестицион фаолият, рақамли иқтисодиёт, трансформацион жараёнлар, стратегик бошқарув, сингуляр иқтисодиёт.

Кириш

Тезкор иқтисодий ўзгаришларнинг натижасида ҳар бир мамлакат ўзининг миллий моделини замонавий бизнес-моделлари ҳамда илғор технологик уйғунлик учун иқтисодий инфратузилмани трансформациялаш мақсадида ўтган йили қабул қилган ривожлантириш, тараққий эттиришга доир давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларини қайта шакллантиришга тўғри келмоқда. Жаҳон иқтисодиётида акселератив хусусиятнинг прогрессив мутацияси ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, уни тадбиқ этиш учун ҳам тезкор эскириши юзага келаётгани боис, қилинган тадқиқотлар ва изланишларнинг яроқсиз ва архив материаллари мақомида қолишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, бугунги иқтисодий шароитга бардош бера оладиган сингуляр иқтисодиётни ўрганиш, уни тадбиқ этиш ва унинг тизими асосида фаолият юритиш “иқтисодий инвестиция” сифатида мамлакатимиз истиқболи учун долзарб аҳамият касб этади, келгуси йилгирма йиллик учун ҳозирдан яратилаётган замин бўла олиши жиҳатдан заруратини намоён этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

1917 йилларда ноу-хау Россия, Франция, Буюк Британияда тижорат сири сифатида илгари сурилган бўлиб, унинг саноатнинг эволюцион ривожланиши мобайнида иқтисодий мақоми янгиликлар асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатида талқин этилган.[1] 1980 йилларга келиб ноу-хауни кенг миқёсда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш (янги турдаги ихтиро қилинган маҳсулотларни) ўзига хос молия ва технологияни талаб этганлиги боис, инвестицион фаолиятга бўлган муносабат кескин ошди. Инвестицион фаолият асрлар давомида доимо мавжуд бўлган фаолият саналса-да, унинг иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида шартномалар ҳамда келишувлар, шунингдек лойиҳа ва унинг регламенти доирасида иш кўрилиши иқтисодий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, фоизлар билан ҳисоблашиш, уни баҳолаш ва меъёрлаштириш сифатида алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида мамлакатларнинг саноат тармоқлари ва соҳалари инфратузилмасини жадал ривожлантириб, саноат эволюцияси-

нинг авлодлари бошқаруви учун замин яратди. 1967 йилда социолог Эверетт Роджерс томонидан “Инновацион диффузия” номли катоби нашр этилган бўлиб, унга кўра “инновацион диффузия назарияси” борасидаги муаллиф қарашлари баён этилган. Мазкур китобда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари янгиликларни ўз ишларининг қулайликларидан фойдаланишда укувсизлик қилишлари ва ижтимоий тузумга мантиқсиз сарфат асосида рад этишлари, уларнинг технологияларнинг ривожланиб боришига узоқ бардош бера олмасликлари, нафақат иқтисодий инқироз, балки қарам хўжалик сифатида фаолият юритаётган жамият масалаларини ёритган.[2]

Жўрғофия олими Торстен Хегерstrand ва математик олим Френк Бассларнинг илмий ишларида инновацион диффузия жараёнини бозорга янги турдаги маҳсулотларни киритиш, уларнинг қўшимча қиймат яратиши ҳамда маҳсулотнинг ҳаёттийлик цикли борасидаги масалаларни эгри чизиқларнинг ўзгаришига кўра изоҳлаб, унинг келажак учун иқтисодий, ижтимоий ҳамда технологик аҳамиятини тавсифлаган.[3] Классик иқтисодий мактаб вакилларида Йозеф Шумпетер инновациянинг аҳамиятини келтириб ўтган бўлса-да, уни новаторлик билан фарқлари ҳамда мақоми бўйича маҳсулотларнинг эгалаган ўринларини Р.Клейтон таъкидлаган. Унинг фиркига кўра, новация бу кенг қамровда илгари сурилиши мумкин бўлган ғоя, янгилик даражасига эга интеллектуал мулк саналади, инновация тармоқ билан чекланадиган, ишлаб чиқаришнинг асосий самарадорлик кўрсаткичларини оширишга қаратилган стратегик лойиҳа саналади. Мазкур қарашлар 1960 йилларда келтирилган бўлса-да, модернизация ҳамда кооперация сингари ўзгаришларни иқтисодий инфратузилмада амалга ошириш 1997 йилдан 2002 йилга қадар жуда оммалашди. Модернизациянинг талқини сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сифатли техникаларни сошлаш, кадрларни малакасини технологик амалиётини ошириш орқали кучай-



тириш, эскириб қолган барча ишлаб чиқаришга доир ресурсларни замонавийлаштириш сифатида тизимлаштирилган. 2002 йилдан 2007 йилга қадар мавжуд маҳсулотларни миллий корхоналарда ишлаб чиқариш тадбиғини кенгайтиришни қамраб олиб, асосий эътибор маҳсулотни маҳаллийлаштириш ҳамда диверсификациялашга қаратилди. 2008 йилда бутунжаҳон иқтисодий ва молиявий инқироз юзага келиши натижасида, иқтисодиёт инқирозга қарши кураш чораларини оператив тарзда кўришга мажбур бўлди. Мазкур салбий таъсирнинг иқтисодиётга таъсири тобора камайиб борганда бутунжаҳон иқтисодиёт майдонида инқирозга қарши чора-тадбирларни қўллаш, корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш, уларни соҳалар бўйича ислоҳ қилиш, синергетик самара асосида ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни стратегик тараққий эттириш масалаларини илгари суриш билан бир қаторда инвестицион фаолиятни мутаносиб тарзда юксалтириш дастурини ишлаб чиқиш авж олди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолани шакллантиришда монографик, статистик-иқтисодий, ҳисоблаш-конструктив, экспериментал, баланс, иқтисодий-математик ва абстракция ва мантиқий усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижа

Инвестицион фаолият 2009 йилда ҳуқуқий жиҳатдан шунчалик катта эътибор остига олиндики, унга кўра хорижий инвесторларнинг киритиладиган сармояси ҳамда муддатига кўра солиқ имтиёзлари, шунингдек, кичик тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш орқали рақобатбардошлиликни ошириш, маҳаллийлаштиришни тараққий эттириш, қўшма корхоналарнинг сонини ошириш ҳамда уларнинг интеллектуал, технологик инвестицияларидан самарали фойдаланишга алоҳида урғу берилди. Интеллектуал инвестициянинг натижавийлиги туфайли инновацион фаолиятни олиб бориш ҳамда уни муносиб рағбатлантириш талаб этилади.

Сингуляр иқтисодиёт рақамли иқтисодиётнинг трансформациясини анъанавий иқтисодиёт таркибига киришини назарда тутиб, унинг мавжуд қонуниятлари билан ҳисоблашган ҳолда иқтисодий жараёнлар, ижтимоий фаолият ҳамда сиёсий муносабатлар олиб боришини англатади. Сингуляр иқтисодиётнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий жараёнларни бошқаришда паттернализмнинг мавжудлиги, яъни ҳар бир ишнинг олиб борилишида сабаблари ҳамда кутилаётган натижавийлиги асосида юритилади;

2. Иқтисодий конвенционалликнинг мавжудлиги, яъни иқтисодий фаолиятнинг рақамли технологиялар асосида бошқарувини йўлга қўйиш кўплаб мураккабликларни бартараф этиб, меҳнат кучи ва менежерлар ўртасидаги мустақам ишонч манбаи бўлиб хизмат қила олиши;

3. Ҳуқуқий асосларнинг етиб улгурилганлиги. Бунда инновацион бизнес моделининг ҳуқуқий жиҳатдан асоснинг мавжудлиги ва унинг учун халқаро иқтисодий бозорда юридик ҳимоя тизимининг шаклланганлиги мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг кафолатланишини таъминлайди;

4. Ижтимоий тармоқларда иқтисодий фаолият ва иқтисодий жараёнларнинг олиб борилиши инсоният тушунганидан-да рақамли технологияларга даромад келтирувчи тизимларга боғлаб қўйилаётганлиги яъни рақамли қарамликнинг чекланганлиги;

Сингуляр иқтисодиётнинг асосий компонентлари рақамли иқтисодиёт бўлибгина қолмай, инновацион бошқарув, циркуляр иқтисодиёт ҳамда инвестицион лойиҳаларни бошқариш саналади. Бу иқтисодий тушунчаларнинг барча сўнгги иқтисодий ривожланиш қонуниятларида иштирок этувчи стратегик бизнес моделлар ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, уларнинг барчаси алоҳида ўрганиладиган иқтисодий соҳа, иқтисодий категорияларнинг таркибий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Сингуляр иқтисодиётнинг аҳамият шундаки, технологик таъминланган ҳамда инновацион салоҳиятни инсон капиталига хизмат қилиши ҳамда инсон тараққиёт индексига таъсирини тадқиқ этади. Бу ўз навбатида янги иқтисодий ёндашувлар ҳамда қарашларни кўриб чиқишга даъват этади. Бу назарий қарашлар янги бизнес моделларини ишлаб чиқариши билан бир қаторда, уларнинг рақамли иқтисодиётдаги инсон омилини иштирокини ҳам ошириб боради. Қисқача қилиб айтганда интеллектуал технологияларнинг бошқарилиши қанчалик ривожланиб бормасин, уларнинг инсоният томонидан бошқарилиши орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини кўзлаган ҳолда мавжуд қонуниятларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида рақамли эгизларни коррекция қилади. Комбинатор иқтисодий жараёнларни, яъни иқтисодий қонуниятларнинг комбинацион олиб борилишида рақамли иқтисодий тизимларга нисбатан стратегия ишлаб чиқиш иқтисодий қонуниятлар доирасида олиб борилмаслиги сингуляр иқтисодиётнинг асосий устунлиги сифатида ажралиб туради.

Сўнгги йилларда инновацион маҳсулотларнинг ҳажми ошиб бориши ҳамда уларнинг сифат



жиҳатдан сегментлашуви жуда кенгайиб бориши натижасида, аҳолининг ахборот технологиялардан фойдаланишда учрайдиган онгли қарамликнинг элементларини келтириб чиқариши 4 саноат ривожланишининг пассив таъсири сифатида қаралади. Сингуляр иқтисодиётнинг мураккаблиги шундаки, унда плюралистик иқтисодиётнинг иштирокини кўриш мумкин. Яъни, қонуниятлар категориал даражада иқтисодий жараёнларнинг фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.

Сингуляр иқтисодиётда инновацион фаолиятни рақамли трансформация сифатида оладиган бўлсак, у қуйидаги кўринишдаги формулани шакллантиради:

$$I_0 = \left(\frac{I_1 + (I_2 + (\frac{N_{Inv}}{SCS} * 365)) + I_3 + I_4}{S_M} \right) / \left(\frac{N_{inc}}{S_s} \right); [8]$$

Бу ерда:

I_0 -инновацион фаолият, рақамли трансформацияларнинг сингуляр иқтисодий даражани шакллантириши;

I_1 -инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, уни корхонага тадбиқ қилиниши имкониятлари даражаси;

I_2 -технологик ресурслар билан таъминланганлик ҳамда хомашё базаси захирасини инобатга олинганлиги;

N_{Inv} -зарурий маҳсулотлар ва корхона учун инвентарлар;

SCS -сотилган маҳсулотнинг сотиш нархи;

I_3 -инновацион ва рақамли технологияларни ташкилий жиҳатдан таъминланиши (мб/секунд, 4G//5G);

I_4 -инновацион компетенция;

N_{inc} -соф фойда;

S_s -савдо ҳажми.

Юқорида келтирилган формулага асосан, инновацион фаолиятнинг рақамли трансформацион жараёнларини олдиндан келгуси ишлаб чиқариш учун инвестиция қилиши асосида даромад олишни ҳисоблашга қаратилган бўлиб, унда иқтисодий қонуниятнинг демонстрацион ҳолатини ифодалайди.

Иқтисодий қонуниятларнинг демонстрацион ҳолати деганда иқтисодий жараёнларни гипотеза ва аксиоматикасининг уйғунлигини таъминлаган ҳолда анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятида самарадорлиги тушуналади. Мазкур натижавийлик эса сингуляр самара деб аталади.

Хулоса

Инновацион фаолиятни ҳамда инвестицион лойиҳаларни алоҳида ўрганиш иқтисодиёт учун эски қонуниятлар саналади, негаки улар-

ни алоҳида ҳисоб-китобларини юритиш орқали рақамлаштириш ишлаб чиқариш ва административ бошқарувда мураккабликларни келтириб чиқаради. Шунга кўра, инновацион фаолият, рақамли трансформация ҳамда инвестицион фаолият асосидаги қўшимча қиймат яратишни бирлаштиришда сингуляр иқтисодиётнинг аҳамияти ошади.

Сингуляр иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш шароитида аҳамияти “Ўзбекистон–2030” стратегияси доирасида кўзланган 100 та мақсадни ва унинг қамровидаги вазифаларни амалга оширишда аҳамияти юқори саналиб, қисқа вақт оралиғида йирик кўламдаги ишларни амалга оширишда 50 дан ортиқ режаларни бажаришда таҳлилий иштироки асосида салмоқли натижавийликка кўмак беришим мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наймушина Д. В. История развития института ноу-хау // Актуальные исследования. 2022. №8 (87). С. 12-14. URL: <https://apni.ru/article/3780-istoriya-razvitiya-instituta-nou-khau> (дата обращения: 19.12.2023)
2. OWE.com
3. Financial Stability Oversight Council. Report on Digital Asset Financial Stability Risks and Regulation 2022 (AI Lab for Book-Lovers)
4. Brekke, J. K. & Alsindi, W. Z. (2021). Cryptoeconomics. Internet Policy Review, 10(2). <https://doi.org/10.14763/2021.2.1553>
5. Bukht, Rumana; Heeks, Richard (3 August 2017). "Defining, Conceptualising and Measuring the Digital Economy". Rochester, NY. doi:10.2139/ssrn.3431732. S2CID 219357944. SSRN 3431732
6. Bo Carlsson, The Digital Economy: what is new and what is not?, Structural Change and Economic Dynamics, Volume 15, Issue 3, 2004, Pages 245-264, ISSN 0954-349X, <https://doi.org/10.1016/j.strueco.2004.02.001>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0954349X04000165>)
7. Mukhitdinova K. A. TECHNICAL AND ECONOMIC CONDITION OF OIL DRILLING FROM THE FIELD OF" MUBARAK OGP" ENTERPRISE. – 2022.
8. Бобожонова З. Ш. Фойдали қазилма бойликларининг тавсифланиши ва заҳира ресурсларининг хомашё базасини иқтисодий шакллантиришдаги аҳамияти //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – С. 71-76.

Аннотация. В данной статье рассматриваются расширение экономических и технологических возможностей стран, цифровизация, направленная на обеспечение благосостояние населения и экологической безопасности, нанозкономическая система, опережающая инновационные процессы, и другие направления

Ключевые слова: инновационный менеджмент, инвестиционная деятельность, цифровая экономика, трансформационные процессы, стратегическое управление, сингулярная экономика.

Annotation. This article discusses the expansion of economic and technological capabilities of countries, digitalization aimed at ensuring the well-being of the population and environmental safety, a nanoeconomic system that is ahead of innovative processes, and other areas

Keywords: innovative management, investment activity, digital economy, transformation processes, strategic management, singular economy.

THE ESSENCE OF THE CATEGORY OF SMALL AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP AND ITS SPECIFICITY

Akmal OSTONOV,

Turon University is a non-state higher education institution, Head of the Department of Economics and Foreign Countries' Economy, Candidate of Economics, Associate Professor

Annotation: *This article discusses the increasing significance of small and private entrepreneurship in the global economy, particularly emphasizing their crucial role in driving economic growth through job creation. It highlights how these enterprises serve as dynamic entities for the rapid introduction of new techniques and technologies, alongside advanced management methods. The paper underscores the immeasurable impact of entrepreneurship on employment and economic stability, emphasizing its pivotal role in fostering market relations, attracting investment, and meeting the growing employment needs. Furthermore, it explores the nuanced origins of small and private enterprises, linking their emergence to diverse needs within the economy and society.*

Key words: *small business, new stage of development, private entrepreneurship, national economy, competitiveness, digital economy, production network.*

Introduction:

According to the International Labor Organization, about 30 percent of the world's 3 billion able-bodied people are partially employed, while 186.9 million able-bodied people are unemployed. [21,21-42] Such a situation undoubtedly means that there are huge obstacles to human well-being, the level of employment of the world's population is insufficient, and solving the employment problem requires countries around the world to find new, unique ways.

Technological advances and the well-known process of globalization in the post-war period pose new challenges in this regard. The process of integration in the world economy is accelerating, the competitive environment is becoming more generalized and intensifying, and as a result, it is becoming

increasingly difficult to address employment issues. At the same time, modern economic trends are opening up new opportunities for economic growth and job creation. The structure of the global economy and employment is now changing relatively rapidly. The currents of globalization and the laws of the world show that the most effective and rational way to solve modern problems of modern development and employment is to create opportunities for the development of entrepreneurship.

Developed "... the experience of countries shows that in solving many problems, first of all, to ensure a consistently high standard of living, first of all, through the implementation of public policies that encourage the rapid development of small and medium business, private entrepreneurship." [6] As a result of the miraculous power of small and private entrepreneurship, the share of small and private

business in the German economy has risen from 10 percent to 65 percent since the post-war years; The basis of the United States economy today is small and private enterprise, whose share has grown from 10 percent to 52 percent of the country's gross domestic product over the past 40 years; In the European Union, 70 percent of the employed population, and in Japan, 80 percent, work in such enterprises. [6]

Extensive work is being carried out in this area in Uzbekistan. Every year, effective measures are taken in our country to develop the industry. In particular, on the basis of the Action Strategy of the Republic of Uzbekistan for 2017–2021, huge changes are being made in this area in our country. The analysis of the study shows that there are many untapped opportunities for business development in Uzbekistan.

The urgency of the issue is that the trend of continuous growth of the importance of small and private entrepreneurship is observed in the economy of Uzbekistan and the country's regions. However, although small and private enterprises tend to grow in development trends, their investment potential is still low. The structure of these enterprises shows that, as most of them specialize in non-manufacturing and trade, the investment potential is spent more on trade (not production), such as trade and catering. In view of the above, it is very important to study the content of the category of small and private entrepreneurship, and the measures developed by the author in this regard can be of sufficient importance in the development of the industry.

Results and feedback:

Normative documents on the structure and development of entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan, the principles proposed by I.Karimov and the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev on the formation and development of market economy, conceptual approaches, guidelines, general and market economy Theoretical, methodological and scientific developments of scientists, specialists in the field of labor legislation and labor economics, typical of the model of Uzbekistan, serve as a theoretical and methodological basis.[6; 3,3-22; 3,233-295; 5,4-40]

Decrees, reports, speeches, laws, resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan were also used in the preparation of the article. In particular, the third section of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, Chapter 12 "Economic basis of society", the organization of various forms of property, the third section of "Strategy of Action"

approved by the President of the Republic of Uzbekistan on February 7, 2017: "Further development and liberalization of the economy" Priorities, called address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on December 22, 2017, December 28, 2018, January 24, 2020, Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the system of support and protection of entrepreneurship" Resolution on the Further Development of Private Entrepreneurship "and other normative legal acts.

Scientists of the National School of Economics for the development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan Abdusalyamov, K. Abirkulov, N. Aimbetov, T.M. Axmedov, Sh. Imomov, B. Ruzmetov, A.M. Sodiqov, A. Soliyev, A.M. Kodirov, A.A. Kayumov, F.T. The scientific results achieved by Egamberdiyev and others play an important role in studying the development of entrepreneurship in our country. The theoretical and methodological basis of the study of entrepreneurial activity in our country is the concept of regional production complexes, economic zoning, location and development of productive forces.

In the economic literature of developed countries, great emphasis is placed on the problems of entrepreneurship. To study this problem, L.Allen, R. Akoff, S.L.Brew, J.Vetton, E.J. Dolan, P.Druker, D. Lindsey, K.R. McConnell, K. Howard, and others were major contributors.

These issues are also widely analyzed in the works of economists of the CIS countries, including the research of L.I.Abalkin, A.O.Blinov, E.P.Gorbunov, BR Ichitovkin, N.P.Lshina. Theoretical and practical problems of business development in Uzbekistan S.Gulamov, A.Vakhobov, Y.Abdullayev, S.E.Vakhidova, B.A.Erkayev, N.M.Mahmudov, M. Sharifxo'jayev, V.M.Shepelev, M.L.Tursunxujaev, O.X.Xikmatov, T.Ergashev, Our scientists, such as Aripov, have contributed to the coverage





of theoretical and methodological aspects of entrepreneurship and small business development.

Also, many of our scientists have great scientific potential in this field and are conducting in-depth research. In particular, among the scientific specialists of the country on the use and management of labor in the field of entrepreneurship K.H.Abdurahmanov, E.H.Mahmudov, Y.V.Voronovsky, Sh.N. Zaynutdinov, L.P.Maksakova, R.B.Murtazina, A.F.Rasulov, G.K.Saidova, A.Sotvoldiev, R.A.Ubaydullayeva, M.L.Tursunxo'jaev, Z.Y.Khudoyberdiyev, Sh.R.Kholmominov, N.Xo'jayev, A.M.Qodirov and it is expedient to highlight the research of others. Among foreign scholars are A.A.Nikiforova, Y.G.Odegov, G.E.Slezinger, R.S.Smith, R.J. Ehrenberg and others, who in one way or another have studied small and private entrepreneurship and employment in this area, and scientists can be included in this.

Emphasizing once again the uniqueness of the services of the above-named scientists in this field, the endless opportunities and layers of employment in the field of small and private business have not yet been sufficiently studied. In particular, the features and directions of employment regulation in these enterprises, the effective use of labor in small and private enterprises at the macro and local levels, social protection of employees through employment, normalization of their labor, increasing the share of labor in quality and quantity in the economy. It should be noted that the training of specialists and skilled workforce and many other issues will be studied in depth.

Methods of analysis

In covering the socio-economic content of the category of small and private entrepreneurship, the study of its origin, economic, legal and organizational content and features of its distribution is of paramount importance, because of studying the origin of

an economic phenomenon to have the necessary idea about the event under study, and then to draw appropriate conclusions about its management or regulation.

In our view, the origin of small and private enterprises is primarily determined by the need for such activities. Because there would be no need to organize such subjects unnecessarily. Analyses show that the establishment of small and private enterprises is associated with the need to increase profit opportunities as a result of the integration of many countries into the global trade and production process. More precisely, such enterprises began to emerge on the basis of two main factors: 1) the expansion and intensification of the competitive environment through the growing activity of the world market and the addition of more countries than the classical market countries; 2) use the internal capacity of the enterprise (farm) to get more profit.

The application of advanced technical and technological developments in the transport sector (in particular, the discovery of high-speed modes of transport) has led to the strengthening of ties in world markets, reducing the time required for economic relations, thereby increasing the volume of various communications. And the world has led to an intensification of the competitive environment in the world market.

From the level of development of economic theory achieved today, it can be concluded that in a stable competitive equilibrium, each factor of production, including the wage for the hired labor (employer), is equal to the monetary value of its (created) additional product. The entrepreneur (who runs the production) has no balance left and the profit is zero. However, let's remember that there is a different perspective on profit (or rather, his career). According to him, activities related to the "organization" or "entrepreneurship" of production on the basis of uncertainty and risk are the primary source of profit. This is in line with Marshall's standard theory of additional labor productivity.

Here we need to clarify the concept of "net profit". From the time of Adam Smith to the present, net profit is defined as the balance that remains after all expenses have been deducted from the proceeds. It should also be borne in mind that net profit is not intended to ensure the existence of any factor of production.

Each business receives a different level of net profit, and some businesses may not have it at all. The fact that some enterprises make more net profit than others depends on the managerial talent of entrepreneurs, overcoming complex market relations.

As a result entrepreneurs who earn more deserve to earn more in wages or otherwise. In this sense, net profit is a changing form of wages.

If we look at entrepreneurship as a separate factor of production, then the additional product taken into account by it cannot be equated with net profit. Because the net profit must be either an additional product of some factor, or a residual quantity. We have just concluded that an additional product of a business cannot be a net profit because it is a residual value.

For the next two centuries, economics was based on the idea that there were three factors of production: land, labor, and capital. In the twentieth century, another factor was added to the three units (triads) - there is no need to talk about the fact that the information factor can create added value to capital. However, according to some economists (e.g., Edgeworth), entrepreneurship should also be



considered as a factor of production. It should be noted that this idea has not been confirmed by the results of research conducted by economists. The main reason for this is that the business does not meet the requirements of the criteria applicable to the factors of production. These criteria are two: 1) the factor of production must be infinitely divisible and 2) must be strictly the same (similar). These criteria cannot be applied to entrepreneurship.

The question arises: So what is entrepreneurship?

The use of the concept of “entrepreneurship” for scientific purposes first appears in Adam Smith’s *The Wealth of Nations* and has been adequately explained for that time. One of the reasons for the writing of this famous work in the field of economics is the industrial revolution that took place in the time of A. Smith. It is known that the last edition of “*Wealth of Nations*” was published in 1784, during which time under the influence of J. Hargvis’s weav-

ing machine, R. Arkwright’s water machine, James Watt’s steam machine and other major inventions, the revolution was taking place in a number of industries (textile, mining, etc.). In this play, A. Smith, under the influence of this, along with a general description of entrepreneurship, expressed valuable ideas that are relevant today. In particular, he does not support the idea that interfering in the activities of entrepreneurs would be a violation of their right to private property. In other words, this scientist was the first to emphasize the idea that government intervention in business is inevitable and necessary. [14]

According to A. Smith, the role of the investor and the entrepreneur in the enterprise is determined by the ownership functions of the former and the management functions of the latter, and accordingly the investor’s benefits do not include the entrepreneur’s wages. However, he did not focus his attention on the difference between these concepts. This is probably why these concepts (“capitalist” and “entrepreneur”) the difference between the two was also ignored by Smith’s famous follower D. Ricardo. Based on this, we believe that in any country, before the establishment of market relations, there will be natural barriers for entrepreneurs to distinguish between the activities of property owners. Even these natural barriers do not make the business function very visible. The reason is that during the industrial revolution, in countries where capitalism is now established and market relations are established in the conditions of transition economies, most small and medium enterprises will be organized through relatives or acquaintances (familiar companies). In kinship-based enterprises, the service responsibilities of employees, especially management staff, are often mixed. This leads to a decrease in the possibility of distinguishing between small and medium enterprises due to the inexplicable confusion of the functions of entrepreneur and property owner. As a result, almost no one from the eighteenth-century economists (except Cantillon, J.B. Sey, and Tunen) was able to explain the function of entrepreneurship.

The English economist Richard Cantillon pointed out the special importance of the entrepreneurial function almost a quarter of a century before Adam Smith. In his view, the difference between supply and demand in the market creates an opportunity to buy cheaper (produce) and sell more expensive. He called those who identified this opportunity faster and used it more effectively entrepreneurs. According to Cantillon’s definition, entrepreneurs are individuals who buy at a fixed price and sell at an indefinite price. [15] Cantillon is one of the first to per-

form its function, which does not require entrepreneurs to engage in production activities, and may not even require the expenditure of its own funds. Entrepreneurship for Cantillon is a demonstration of foreknowledge and risk-taking ability. Although the work of the economist D. Ricardo, who made a great contribution to the theory of the development of commodity production and market relations, J. B. Sey felt a certain dependence on the worldview of Cantillon, he did not consider entrepreneurship as a separate function.

K. Marx also did not pay attention to the fact that entrepreneurship is a separate type of activity. Marx believed that the main source of profit was exploitation or the introduction of new techniques, as a result of which he added the functions of investor and entrepreneur.

The earliest, relatively perfect description of entrepreneurship was officially given by the first researcher of the problem, Tunen, in his 1850 work, "The State within the Barrier". In it, Tunen defined the entrepreneur's profit as the amount remaining after deducting the investment, management costs and insurance value from the gross profit. Thus, in Tunen's view, an entrepreneur's benefit is a reward for the risk that no insurance company can afford because the risk element is so large. Just like the risk allowed in investment (innovation) activities, an entrepreneur is an inventor and researcher in his field.

The economic content of entrepreneurship was fully revealed in the twentieth century. The work of scholars such as Frank Knight [16] and Schumpeter [17] (Economic Development Theory) in this area is particularly fruitful. Shumpeter substantiated the most original ideas on the subject. For example, he argued that entrepreneurship is a function. According to Shumpeter, the subject performing this function can be a single person, a group of individuals, or a legal entity. What is even more remarkable is that it promotes the view that innovation, that is, investing in the development of production, and entrepreneurship are the same concepts. According to this view, a person cannot become an entrepreneur if he stops his innovative activities. So far, Schumpeter's views on entrepreneurship have not been severely criticized.

Therefore, when we say entrepreneurship, we think it is appropriate to understand the process of investing in production in order to make a profit using market conditions. The person who spends this investment for the purpose of innovation, and the group of individuals (even enterprises) is called the entrepreneur (s).

In market countries, including Uzbekistan, there is a closeness of theory and practice in this regard. The Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of freedom of entrepreneurial activity" [18] provides the following definition: Entrepreneurial activity - activity aimed at obtaining profit (income) by business entities in accordance with the law, on a risk basis and under their own property liability (Article 3 of this Law).

Based on the above considerations, the addition of the definition in the Law to the fact that entrepreneurial activity is an innovation-oriented, may give the impression that entrepreneurship is a targeted activity. The current definition explains current entrepreneurship as surfing, a risk-based activity only.

Modern market economic practice has shown that the most successful enterprises are mainly small and medium (mostly private) enterprises. Ac-



According to the legislation of the Republic of Uzbekistan, such enterprises are divided into two types:

- enterprises with an average annual number of employees of micro-firms up to 20 in manufacturing, up to 10 in trade, services and other non-manufacturing sectors;

- small enterprises - the average annual number of employees in the light and food industries, metal processing and instrumentation, wood processing, furniture and building materials did not exceed 100; the average annual number of employees did not exceed 50 in mechanical engineering, metallurgy, fuel and energy and chemistry, agricultural processing and other industries; not more than 20 enterprises in science, transport, communications, trade, catering and other non-manufacturing sectors.

There is a variety of experience in countries around the world on the optimal number of employees of small and medium enterprises. For exam-

ple, in the United States, each state in the country has separate laws on small business based on the recommendations of the Federal Administration, and the number of employees of a small business together with its branches should not exceed 500 (-1000 in computer manufacturing enterprises). In the UK, belonging to small businesses is determined by the benefits they receive, not the number of employees. If the annual profit of the enterprise does not exceed £ 250,000, such an enterprise is automatically considered a small enterprise.

In France and Germany, any enterprise with no more than 50 employees is classified as a small enterprise. An enterprise owner with no more than 10 employees is called a craftsman. The ownership of small businesses is similar in Italy. Here, businesses with less than 100 employees are considered small.

In all the foreign countries we have studied, small and private enterprises have different benefits. A similar situation is observed in Russia. Here, as in Uzbekistan, businesses differ in the number of employees. In particular, small businesses are defined as enterprises with 30 to 100 employees (in retail and household services) and 100 employees (in industry, construction and transport). [19,24-26]

In economics, a scientifically based view of why enterprises are classified into micro, small, medium, and large enterprises is poorly developed. Nevertheless, we will state our position on the grouping of enterprises according to the number of employees. It is known that the number of employees in an enterprise depends on the volume of work performed by the enterprise, the industry to which it belongs, the capacity of the product (specified). In our opinion, there is at least a certain correlation between the profit from the enterprise and the number of employees. At the same time, the company's innovation activities and competition in the market should play a role in determining the number of employees.

Theoretically and methodologically, there is a need to emphasize another point. It is, however, that the term small and private entrepreneurship has become more prevalent in recent times. One of the main reasons for this is that the share of private entrepreneurship in production has finally increased to 100% in some sectors, and the economic role of medium-sized enterprises has become very insignificant.

In January-June 2019, the share of small business in the GDP of the Republic was 54%. In the regions, the largest share of small business was observed in Jizzakh (78.6% of the total value added created in the region), Surkhandarya (78.0%) and Namangan (74.2%) regions. The lowest share

of small business was recorded in Navoi region (29.9%), the Republic of Karakalpakstan (48.8%) and Tashkent region (51.3%). [20]

In addition, in January-June 2019, more than 54.0 thousand small businesses and micro-firms were established in the country, which is 2.0 times more than the same period last year. [20]

Hence, the origin of entrepreneurship is a reflection of a complex set of needs of different composition. They are, first and foremost, with the need to increase the number of enterprises that can influence and withstand the market competition of the country's economy; secondly, it is determined by the fact that business entities are the cheapest, preferred and preferred method of attracting the population to work.

Conclusion

We know that in recent years in our country, as in all areas, great attention is paid to the development of entrepreneurship.

At the time of writing, the following conclusions have been drawn:

1. The origin of entrepreneurship is a reflection of a complex set of needs of different composition. They are, first and foremost, with the need to increase the number of enterprises that can influence and withstand the market competition of the country's economy; secondly, it is determined by the fact that business entities are the cheapest and preferred method of attracting the population to work.

2. According to the author, entrepreneurship is the process of investing in production in order to make a profit through market conditions. The person who spends this investment for the purpose of innovation, and the group of individuals (even enterprises) is called the entrepreneur (s).

3. The growing trend of the importance of small and private entrepreneurship is also observed in the economy of Uzbekistan and the country's regions.

4. Although small and private enterprises tend to grow in development trends, so far their investment potential is still low. The structure of these enterprises shows that, as most of them specialize in non-manufacturing and trade, the investment potential is spent more on trade (not production), such as trade and catering.

5. It is expedient to use not only theoretical or foreign experience, but also the positive experience of small and medium enterprises in the regional development processes in the economic growth of regions and districts, using the experience of regions and districts of our country.

REFERENCES:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev "On the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan". PF-4947.2017. February 7. Source: lex.uz.
2. Mirziyoyev Sh.M. "Together we will build a free and prosperous, democratic state of Uzbekistan". T.: O'zbekiston, 2016. 53 p.
3. Mirziyoyev Sh. "Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader.// We will continue our path of national development and take it to a new level". Volume 1.- T.: Uzbekistan, 2017. pp. 233-295.
4. Mirziyoyev Sh.M. "We will build our great future with our brave and noble people". T.: O'zbekiston, 2017. 484 p.
5. Mirziyoyev Sh. "The Constitution is a free and prosperous life, a solid foundation for the further development of our country.// The consent of our people is the highest value given to our activities". Volume 2.- T.: Uzbekistan, 2018.4-40-p.
6. Karimov.I.A. "Entrepreneurial spirit in society is the key to development". Speech at the meeting of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on July 17, 2001 // People's speech. July 18, 2001. №140 (2702).
7. Abdurahmanov Q.H. and others. "Personnel Management" (Study Guide). -T.: «Sharq», 1998. 272 p.
8. Abduraxmanov Q.X., Mamarasulov F.U. "Labor Economics" (Methodological Manual). -T.: 1996.230 b.
9. Abduraxmonov Q. Theoretical basis of personnel management]. –Uchebnoye posobie. - M., ed. REA im. G.V. Plexanova, 2000.240 p.
10. Abduraxmanov Q.X. "Under general review". Labor Economics and Sociology: A Textbook for University Students in Economics.-T.: "Teacher", 2001.480 p.
11. Alimov A.N. "Development of small business in the industrial sector of the economy". Autoref. diss.T, 2000. 24 p.
12. Viner. J. "Adam Smith an Laissez Faire" (Scottish Journal of Political Economy). 1927.)
13. Hebert, R.F, Link A.N. "The Entrepreneur. Mainstream Views and Radical Critiques. 1982."
14. Frank Knight. Risk, "Uncertainty and Profit", 1921.
15. Shumpeter. "Theory of economic development", M.: Progress, 1982.

Аннотация: В данной статье обсуждается возрастающее значение малого и частного предпринимательства в мировой экономике, особенно подчеркивается их решающая роль в стимулировании экономического роста посредством создания рабочих мест. В нем подчеркивается, что эти предприятия служат динамичными структурами для быстрого внедрения новых методов и технологий наряду с передовыми методами управления. В документе подчеркивается неизмеримое влияние предпринимательства на занятость и экономическую стабильность, подчеркивая его ключевую роль в развитии рыночных отношений, привлечении инвестиций и удовлетворении растущих потребностей в занятости. Кроме того, в нем исследуются нюансы происхождения малых и частных предприятий, связывая их появление с разнообразными потребностями экономики и общества.

Ключевые слова: малый бизнес, новый этап развития, частное предпринимательство, национальная экономика, конкурентоспособность, цифровая экономика, производственная сеть.

Annotatsiya. Ushbu maqolada kichik va xususiy tadbirkorlikning jahon iqtisodiyotidagi ahamiyati ortib borayotgani muhokama qilingan bo'lib, ayniqsa ularning ish o'rinlar yaratish orqali iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishdagi hal qiluvchi roli ta'kidlangan. Bu korxonalar ilg'or boshqaruv amaliyotlari bilan bir qatorda yangi usul va texnologiyalarni tez o'zlashtirish uchun dinamik tuzilmalar bo'lib xizmat qilayotgani alohida ta'kidlangan. Maqolada tadbirkorlikning aholi bandligini ta'minlash va iqtisodiy barqarorlikka beqiyos ta'siri, uning bozor munosabatlarini rivojlantirish, sarmoyalarni jalb etish va aholi bandligiga bo'lgan ehtiyojni qondirishdagi asosiy o'rni ta'kidlangan. Shuningdek, kichik va xususiy korxonalarining kelib chiqishini iqtisodiyot va jamiyatning xilma-xil ehtiyojlari bilan bog'lab, ularning kelib chiqishini o'rganilgan.

Kalit so'zlar: kichik biznes, rivojlanishning yangi bosqichi, xususiy tadbirkorlik, milliy iqtisodiyot, raqobatbardoshlik, raqamli iqtisodiyot, ishlab chiqarish tarmog'i.

ЁШЛАРНИ МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Рахимберди РАЖАББАЕВ,

физика-математика фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти, лойиҳа раҳбари.

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ замонавий касб-ҳунарга ўргатишнинг ҳуқуқий ва назарий асослари мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари ёшларга таълим беришнинг ривожлантириш тенденциялари ривожланган хорижий давлатлар ҳамда илғор маҳаллий тажрибалари асосида баён қилинади.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, замонавий касб-ҳунар, демографик дивиденд, инсон капитали, профессионал таълим, техникумлар, мономарказ.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепциясида белгиланганидек - келгуси беш йилликда ёшларнинг илмий, касбий ривожланиши, саломатлиги, иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши, технология ва инновацияларни ривожлантиришга ажратиладиган сармоялар “демографик дивиденд”га эга бўлишга, яъни мамлакатнинг қисқа муддатда юқори иқтисодий тараққиётга эришишига замин яратилиши қайд этилди [1].

Ўзбекистонда ёшларга таълим бериш, инсон капиталини шакллантиришда мамлакатда амалга оширилаётган барча узоқ муддатли стратегияни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўйбга

чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларга фаол жалб қилиш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш масаласига давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда.

Мазкур концепцияда тилга олинган “демографик дивиденд” атамасининг маъноси мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши болалар ва қариялар улушидан ошиб кетганда ва туғилишнинг пасайиши натижасида юзага келадиган иқтисодий ўсиш салоҳиятини билдиради. У ўз-ўзидан эмас, балки меҳнат бозорида ва касб-ху-

нар таълими соҳасида мувофиқлаштирилган самарали сиёсатларни олиб бориш зарурияти билан белгиланади. Акс ҳолда, бу имкониятлар таҳдидларга айланиши мумкин.

Ўзбекистонда охириги 5 йилда туғилишнинг кескин ўсиши кузатилмоқда. Дунёда глобал муаммога айланиб бораётган аҳолининг кексайиш жараёни тобора кўпроқ мамлакатларни қамраб олаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг демографик ҳолатида кескин ёшариш жараёни кузатилмоқда.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 2030 йилда 41 миллиондан ошади. Дунёда глобал муаммога айланиб бораётган аҳолининг кексайиш жараёни тобора кўпроқ мамлакатларни қамраб олаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг демографик ҳолатида кескин ёшариш жараёни кузатилмоқда. Қайд этилишича, охириги беш йилда туғилишнинг кескин ортиши мамлакат демографик дивиденд бўсағасида турганлигидан дарак беради. 2022 йил бошига келганда **Ўзбекистон аҳолиси 35,3 миллион кишига етди. Аҳоли сонининг ошиши биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимига босим ўтказди.** Демографик дивиденддан самарали фойдаланиш инсон капитални ривожлантиришга сармоя киритишни талаб этади.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Бугунги кунда меҳнат миграцияси, ривожланмаган ижтимоий инфратузилма қашшоқлик ва ишсизликнинг юқори даражаси, инфратузилманинг эскирганлиги, кадрлар компетенцияларининг иқтисодий ривожланиш стратегик мақсадларига номувофиқлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммолари, “Ҳаёт давомида таълим олиш” имкониятларининг чекланганлиги, юқори технология ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришнинг суст ривожланганлиги, инсон капитални ва имижига зарур миқдордаги инвестицияларнинг кам йўналтирилганлиги, малакали ходимларнинг етишмаслиги, ўрта бўғин раҳбар ва ходимларнинг паст даражадаги малакаси, ишчиларда меҳнатга нисбатан рағбатнинг йўқлиги, ишчи ва муҳандис-техник касблар обрўсининг тушгани, эскирган иш усулларида фойдаланиш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Меҳнат бозорининг юқори талабларига жавоб бера оладиган янги авлодни яратишда инсон капитални шакллантиришнинг асосий омили таълимдир ва у ўз навбатида иқтисодий ривожланишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Дунё тажрибасида узлуксиз таълим инсонлар ўз кўникмалари, билимлари ва тушунчаларини яхшилаши учун бутун ҳаёти давомида қўллашла-

ри мумкин бўлган турли ёндашув ва усуллари ўз ичига олади. Ҳаёт давомида таълим расмий таълим, норасмий таълим ва информал таълимни ўз ичига олади.

Расмий таълим кўпинча даража ёки сертификат билан яқунланадиган, аниқ ўқув мақсадларига эга тузилган таълим дастурларини англатади. Ушбу турдаги таълим одатда мактаблар, коллежлар ва университетлар каби таълим муассасалари орқали амалга оширилади.

Норасмий таълим анъанавий таълим муассасаларидан ташқарида содир бўлади ва одамларнинг кундалик ҳаётида эга бўлган ўрганиш тажрибасини англатади. Таълимнинг бундай тури ижтимоий ўзаро таъсирлар, дарсдан ташқари машғулотлар ва жамоани жалб қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Норасмий таълимга - клублар, жамиятлар ва ташкилотларда иштирок этиш, мастер-класслар, семинарлар ва конференцияларда қатнашиш натижасида олинади. Норасмий таълим расмий таълимни тўлдирадиган шахсий ўсишга, ижтимоий кўникмаларга ва амалий билимларга ёрдам беради.



Информал таълим – бу одамлар мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш учун ресурслар ва стратегияларни танлаш орқали ўз таълимлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладиган жараёндир. Ушбу турдаги ўрганиш мотивация, интизом ва вақтни бошқариш кўникмаларини талаб қилади. Информал таълимни онлайн курслар ва дарсликлар, китоблар, мақолалар ва илмий мақолаларни ўқиш, ўқув видео ва хужжатли фильмларни томоша қилиш ҳамда онлайн форумлар ва муҳокама гуруҳларида иштирок этиш туфайли олиш мумкин.

Меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун рақобатбардош кадрларни профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали тайёрлаш ҳамда турли ёшдаги шахсларнинг “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида таъ-



лим олишга бўлган талабларини қондириш мумкин. Таълим олиш билан биргаликда ўқувчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур билимларни бериш ва уларни келгусида ўз бизнесини ташкил этиши юзасидан методик қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш зарур. Шахсларнинг профессионал таълим муассасаларини ихтиёрий танлаши ва касб ёки мутахассислик бўйича билим олиш, шунингдек, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлашдан ўтиш имконига эга бўлиш шароитларини яратиш устида ишламоғимиз керак.

Бугунги кунда республикада 178 та олий, **9691 та умумий ўрта ва 271 та** профессионал таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Шунинг билан бир қаторда профессионал таълим муассасаларида асосий таълим дастурларига қўшимча равишда 110 та касб бўйича 764 та қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Маълумотларга кўра республикада ҳар йил 400 минг атрофида ёшлар ўрта таълимни, 150 мингдан ортиғи профессионал таълимни ва 500 мингга олий таълимни ботириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни тўғри йўналтириб, бандлигини таъминлаш – муҳим вазифалар жумласига киради.

Умумий ва профессионал таълим муассасалари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 38% га етди. 2030 йилда умумий битирувчиларни 50% олий таълим билан қамраб олиш учун олий таълим муассасаларининг ҳозирги қувватини 7 йил ичида 1,5–1,8 марта ошириш зарур.

Республикада меҳнат бозорида долзарб бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш бўйича “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар

критиладиган “Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 15 июль куни узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда бугунги кунда барча соҳа ва тармоқларда улкан ишлар амалга ошириляётганлиги, ҳудудларда янги корхоналар ишга туширилиб, ижтимоий инфраструктура ривожлантирилганлигини таъкидлаб, эндиликда малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ошаётганлиги сабаб, таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари жорий этишликни талаб этаётганлигига тухталган эди. Йиғилишда ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Коллежлар негизда профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари янги профессионал таълим тизимини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 287-сон қарори қабул қилинди [2]. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими (Миллий малакалар тизими) тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 февралдаги тегишли буйруғи билан “Профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблари классификатори” тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар республикада иш қидираётган ва ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришда касбга ўқитишни ташкил этиш ҳамда касбий малака ва билимларни ошириш миллий тизимининг жорий этилишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикада бугунги кунда уч тоифадаги узлуксиз профессионал таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда:

Касб-ҳунар мактаблари – кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида ками-

да умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширади.

Коллежлар - жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳамда жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

Техникумлар - кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширади.

Шунингдек, техникумларнинг ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилари ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади. Техникумларда жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга идоравий бўйсунувидан қатъи назар ўқув-методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Академик Салимов О.У. айтганидек, профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган

ислохотларнинг истиқболи, самара ва натижаси иш берувчи ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлигига, ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнининг узвийлиги, миллий малака тизимининг муваффақиятли жорий этилиши, мукаммал профессионал стандарт ва сифатли таълимга боғлиқ. Бу тизимнинг муваффақиятли жорий этилиши яқин истиқболдаги тараққийимиз жадаллашувини ҳам белгилайди [3].

Ёшларга таълим беришни ривожлантириш тенденцияларидан бири – бу ўқув ва маслаҳат марказлари тармоғини ва яшаш жойига бевоқифа яқин жойда: мактабларда, олий таълим муассасаларида, кутубхоналарда, таълим марказларини яратиш орқали “таълимни уйга яқинлаштириш”дир. Бундай шароитларни клублар, парклар, диний марказлар, дам олиш масканлари, иш жойларида ташкил этиш ҳамда ахборот ва тармоқ технологиялари орқали таълим беришга асосланган бўлиши лозим.

2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққийёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсадни ўз ичига олган стратегиянинг тўртинчи йўналишида белгиландики: адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш бўлиб, ушбу йўналишда “Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш қўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш” зарурлиги белгиланди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6260-сон Фармонида асосан умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замона-



вий касб-хунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 февралдаги 106-сон қарориди “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди.

Республикада 271 та профессионал таълим муассасаларида асосий таълим дастурларига қўшимча равишда 110 та касб бўйича 764 та қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган.

Республикада бугунги кунда замонавий асбоб-ускуналар ҳамда малакали кадрлар – шифокорлар, тиббиёт ходимлари, психологлар, онлайн ўқитиш бўйича мутахассислар, дастурчилар ва бошқалар етишмаслиги сир эмас.

Мамлакатимизда инсон капитални тўлақонли ривожлантириш, профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил



31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (ҳозирги номи - Камбағалликни қисқартиш ва бандлик вазирлиги) ҳузурида Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ташкил этилди [5].

Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг асосий вазифалари этиб: бандликка кўмаклашиш, меҳнат муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозори, меҳнат муҳофазаси, Малака тизими ва касбий стандартларни такомиллаштириш ҳамда меҳнат миграцияси каби йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш белгиланди [6].

Ушбу вазифаларни бажариш борасида институт томонидан қуйидаги йўналишларда ишлар ташкил этилган:

- касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизими мониторингини амалга ошириш кўрсаткичлари тизими ва методикасини тасдиқлаш;
- касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимининг ҳолати ва ривожланиши мониторингини амалга ошириш;

- касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизими экспертлари реестрини тузиш;

- касбий фаолиятнинг тармоқлараро турлари бўйича тармоқ кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқиш;

- давлат органлари ва ташкилотларининг касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини ҳудудий меҳнат ва таълим бозорлари даражасида жорий қилиш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятини баҳолашнинг кўрсаткич ва индикаторлари рўйхатини шакллантириш;

- компетенцияларни баҳолаш бўйича фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар реестрини ҳамда тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини жорий этиш ва ривожлантириш;

- тасдиқланган малакага эга шахсларни ҳақиқатда ушбу малакага мувофиқлиги даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- соҳадаги илғор ва ижобий амалиётларни жорий қилган ҳолда, меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини баҳоловчи тизим ҳамда касбий стандартларни ва мустақил малака баҳолашнинг маълумотлар базасини шакллантириш в.б.

Аҳолининг турли тоифаларини “ҳаёт давомидаги таълим” тамойили бўйича касб-хунарга ўргатиш тизими ривожланмаганлиги ҳам катта ёшдаги аҳоли, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг салмоқли қисми бандликка муҳтож бўлиб қолаётганлиги сир эмас. Меҳнат бозориди малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш, малакали мутахассисларини тайёр-

лашнинг халқаро тажрибаларга асосланган янги механизмларининг мавжуд эмаслиги манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг тизимли ҳамкорлигини ўрнатиш ва малакали мутахассисларини тайёрлашда иштирокини кенгайтириш шунингдек, шахсларни “ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида ўқитиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларига кўмаклашиш зарур бўлади.

“Ҳаёт давомида таълим олиш” принциплари асосида ишлаш, меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган эҳтиёжларни шаклланишида ва иш берувчиларнинг талабларида маълумот даражасига кўшимча равишда битирувчиларда амалий кўникмалар яъни тегишли компетенциялар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар томонлама пухта ўйланган таълим тизимини яратишни ва ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда ёшларни ўқитиш ва уларга таълим бериш соҳасидаги давлат сиёсати биринчи навбатда мамлакатнинг ривожланиш истиқболларига асосланади, бунда инсон капитали сифати мамлакат томонидан амалга оширилаётган барча узоқ муддатли стратегияларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий омили ҳисобланиши назарда тутилади.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган таҳлиларга ва муқаддам нашр этилган тадқиқотлар [7-11] натижаларига асосан қуйидаги хулоса ва таклифлар тайёрланди:

1. Ёшлар бандлигига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилма ва рақобат муҳити шаклланимаган.

2. Ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замонавий талабларга тўла жавоб бермайди.

3. Мамлакатимизда ишсизлик даражаси ҳамон юқори бўлиб, иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,4 фоизни, ёшлар орасида 14,9 фоизни ташкил этмоқда.

4. Норасмий секторда меҳнат қилаётган шахсларнинг 38,4 фоизини ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 46,1 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олганда ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари бугунги кун талабига жавоб бермаётганлигини кўрсатмоқда.

5. Мамлакатимизда таълим сифати менежменти тизимларини жорий этиш бўйича илғор жаҳон тажрибасини жорий этиш, таълим натижа-



ларини (PISA, PIAAC) дастурлари асосида баҳолаш, ўқитиш ва уларга таълим беришда (AES) жамоатчилик иштироки даражасини баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни жадаллаштириш зарур.

6. Бугунги кун талабларига мувофиқ, ёшларни касб-хунарга ўргатиш билан шуғулланувчи касб-хунарга ўқитиш марказларининг раҳбар ва ходимларини малакасини ошириш бўйича янги шакл ва методлардан фойдаланилган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолашнинг замонавий механизмларини жорий этиш талаб этилади. Бу борада узлуксиз касбий малака ошириш электрон платформасини яратиш ва унга жойлаштириш учун мавзулар кесимида услубий қўлланмалар, тадқиқотлар, луғат ва тестлар ҳамда видеодарсларни ишлаб чиқиш керак.

7. Ўзбекистонда ёшларни ўқитиш ва уларга таълим бериш тизимини ривожлантиришда изчил давлат сиёсатини амалга оширишда илғор халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО в.б.) ва давлатлар тажрибасига, кўмаги ва тавсияларига таяниш мақсадга мувофиқ.

8. Миллий малака рамкаси таълим олувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Сабаби ҳамма давлатнинг ўзига хос миллий малака таснифлагичи бор. Давлатлар квалификацияларни баҳолашни бир хил қолипга келтириши учун ўз миллий малака рамкаларини қабул қилган. Шунга монанд Ўзбекистон ҳам берилган миллий квалификацияни (малакани тасдиқловчи диплом ёки сертификатни) қайсидир чет давлат иш берувчиси кўриб, шунга биноан талабгорга иш бериши мумкин бўлиши учун миллий малака рамкаси керак. У меҳнат бозорида норасмий ва информал тарзда таълим олган минглаб ҳамюртларимизни квалификацияларини тан олиншига имкон беради ва улар ўз билим, кўникма ва малака даражасига мос касб ва мутахассисликлар бўйича ишлай олишларига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 287-сон қарори.
3. Салимов О.У. Ўзбекистонда профессионал таълим / 2023 / №1 сон. Uzbekistan ISSN 2181-384.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги 2023 йил 28 февраль, 27-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 сентябрдаги “Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар”даги 616-сон қарори.
7. Холмухамедов М.М. Натижага йўналтирилган профессионал таълим мазмуни. Монография. –Тошкент: Complex print, 2023 й./ -176 бет.
8. Холмухамедов М.М. Замонавий профессионал таълим иқтисодий ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланади. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 23 июнь. № 124 (646).
In addition, the Republic of Uzbekistan has several other laws and regulations regulating information security, including the Law "On Personal Information"[5] dated 07.02.2019. that allowed Personal data refers to information recorded electronically, on paper and (or) on another material body, relating to a natural person or allowing him to be identified. Application of this law:

- processing of personal data by an individual for personal, household purposes and not related to his professional or commercial activities;
- Formation, storage and use of documents of the National Archive Fund and other archival documents containing personal information;
- processing of information about a person included in the sentence of information constituting state secrets;
- rapid search, intelligence and counter-intelligence activities, crime does not apply to relationships that arise during the process of combating, law enforcement, as well as during the processing of personal data obtained within the framework of combating the legalization of proceeds from criminal activities.

In addition, there are rules that have not been established among Internet users regarding information security. Some of them are:

- Never share your online name and password with anyone. Never send personal or business information about yourself or your family members to anyone over the Internet.
- Use your electronic address (E-mail) purposefully. Do not share programs over the Internet. Do not use programs you come across that are distributed on the Internet. Only download software from servers whose owner is known to be trusted.
- Do not use "active objects" and programs sent by e-mail, or do not open information in the form of archives that you do not know with self-extracting attachments.
- Do not open emails whose owner is unknown to you. Use anti-virus programs of known and guaranteed quality and update them regularly.
- Do not use the information resources and programs available on the Internet without the permission of their authors.
- Do not engage in illegal programming activities, such as copying, spreading viruses, to determine the IP addresses of foreign computers and servers on the network, and thereby access unauthorized servers and information resources, this is a crime.

[7]



Information security means the protection of information and the infrastructure supporting it from accidental or intentional effects of a natural or artificial nature. Such impacts can seriously harm information relations, including information owners, information users, and the infrastructure that supports information protection. In the Law of the Republic of Uzbekistan No. 439-II dated December 12, 2002 "On Principles and Guarantees of Information Freedom", information security is defined as information security, and it means the state of protection of the interests of individuals, society and the state in the information field. . In the field of information, personal interests are manifested in the realization of the constitutional rights of citizens regarding the use of information, in engaging in activities not prohibited by law, and in the use of information for physical, spiritual and intellectual development, in the protection of information that ensures personal security. In the field of information, the interests of the society are reflected in the provision of individual interests, strengthening of democracy, construction of social legal state, and support of social solidarity.

In conclusion, the daily development of information technologies is serving to increase the amount of information. This type of information requires protection, confidentiality and secrecy in a certain sense, and situations such as the disclosure, theft or destruction of this type of information, as well as cyber-attacks, state and citizens, organizations may cause great losses, financial or material damages. In order to prevent such situations, any field must implement information security, its protection and protection. Basic measures to ensure information security require a legal and technical approach, and at the same time, each person needs to keep information confidential for his own safety. In addition to the government on information security, every manager and specialist should take practical measures and measures to properly organize the organization's activities and ensure sufficient information security in the organization.

REFERENCES:

1. Asadov, Shahridin Faxriddin o'g'li (2021). Fuqarolik-huquqiy munosabatlarda davlat ishtiroki (davlat-xususiy sheriklik misolida). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (11), 789-799. doi: 10.24412/2181-1784-2021-11-789-799
2. Imomniyozov, Son of Daniyorbek Bakhtiyor (2022). Legal consequences of deciding the decisions of the general meeting of legal entities to be invalid. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (1), 430-447.
3. Koryogdiyev, Bobur Umidjon o'g'li (2021). Finding a transaction not genuine and enforcing its consequences as a means of civil rights protection. *Oriental renaissance: innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (11), 211-225. doi: 10.24412/2181-1784-2021-11-211-225
4. O'zbekiston Respublikasining "Davlat sirlarini saqlash to'g'risida" gi qonuni. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, – 1993. №5.
5. O'zbekiston Respublikasining "Shaxsga doir ma'lumotlar to'g'risida" gi qonuni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, – 03.077.2019-y. – №3363.
6. O'zbekiston Respublikasining "Axborotlashtirish to'g'risida" gi qonuni. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. – 2004. – №36. – 19-20 m
7. Turdigulov A.M. - Information security. Study guide. Tashkent-2015
8. <https://bestpublication.org/index.php/pedg/article/view/3708/3564>
9. https://csrc.nist.gov/glossary/term/information_systems_security#:~:text=The%20protection%20of%20information%20systems,document%2C%20and%20counter%20such%20threats.
10. https://www.easy/tech.ru/articles/informatsionnaya_bezopasnost_osnovnye_problemy

Аннотация. Важно иметь четкое представление об этой концепции при рассмотрении того, насколько важна информационная безопасность для существующего общества и определении бюджета на ее обеспечение. Только так можно определить приоритеты и составить соответствующий план действий. Информационная безопасность в сетях включает в себя широкий спектр проблем. Информационная безопасность является основой общественного благосостояния, поэтому мы подробно рассмотрим все проблемы, которые она решает. В данной статье представлен научно обоснованный анализ проблем информационной безопасности и правовых и технических мер по их решению, а также рекомендации физическим лицам по обеспечению собственной информационной безопасности.

Ключевые слова: информационная безопасность, защита информации, ИТ-инфраструктура, сеть, методы сетевого взлома, связь, телекоммуникации, государственное устройство, конституционная норма.

Annotatsiya. Mavjud jamiyat uchun axborot xavfsizligi qanchalik muhimligini ko'rib chiqish va uni ta'minlash uchun byudjetni belgilashda ushbu kontseptsiyani aniq tushunish muhimdir. Bu ustuvor yo'nalishlarni aniqlash va tegishli harakatlar rejasini tuzishning yagona yo'li. Tarmoqlarda axborot xavfsizligi keng ko'lamli muammolarni o'z ichiga oladi. Axborot xavfsizligi jamiyat farovonligining asosidir, shuning uchun biz u hal qiladigan barcha muammolarni batafsil ko'rib chiqamiz. Ushbu maqolada axborot xavfsizligi muammolari va ularni hal etish bo'yicha huquqiy va texnik chora-tadbirlarning dalillarga asoslangan tahlili, shuningdek, jismoniy shaxslarga o'z axborot xavfsizligini ta'minlash bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: axborot xavfsizligi, axborotni himoya qilish, IT infratuzilmasi, tarmoq, tarmoqni buzish usullari, kommunikatsiya, telekommunikatsiya, davlat tizimi, konstitutsiyaviy norma.

МИНТАҚАВИЙ СИЁСИЙ– ИНФОРМАЦИОН МАКОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДУНЁ ТАЖРИБАСИ (Европа мисолида)

Зухриддин ХАСАНОВ,

РМММ етакчи мутахассиси
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада сиёсий ахборот макони, унинг шаклланиш жараёнлари ва Марказий Осиё халқлари мафқурасига таъсири ҳақида қисқача баён қилинади. Шунингдек, мақолада Глобаллашув даврида сиёсий ахборот маконида умуммиллий манфаатларни кенг тарқатиш лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, ахборот макони, сиёсий ахборот, юмшоқ куч, ахборот иммунитети.

XXI асрда инсоният ҳаётига ахборот оқимининг таъсири ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ акс этмоқда. Бугун жамиятни бошқаришда энг оқилона саналган жамият онгини бошқариш, манипуляция қилиш воситаси сифатида ахборотга эгалик қилиш давлат учун ҳаётий унсур эканлиги сир эмас. Зеро бугунда ахборотнинг психологик омили билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ.

Аммо ҳозирда бизнинг жамиятимизда ахборот деганда фақат АКТ ёки оддий публицистик соҳаси сифатида қараш, унинг номоддий, маънавий жиҳатларига эътибор бермаслик иллати шаклланиб қолган. Аслида ҳатто, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга ҳам ахборотнинг катта таъсири мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Бугунги сиёсий жараёнларда ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш давлат ҳокимиятининг легитимлигини сақлаб туришдан ташқари алоҳида нонконформизм¹ ва дисси-

¹ Нонконформизм (ингл. non-conformists "норози") – ҳукмрон мафкура ва қарашларга қўшилмасликда акс этадиган сиёсий позиция. Диссидентларга нисбатан айрим ҳолларда нонконформистлар тушун-

дентлик² ғояларини ҳимоя қилиб чиқишда ҳам бугунги ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Илм-фан ютуқларининг жадаллашуви айниқса ахборот воситаларининг шиддат билан ривожланиши, нейротармоқ ва сунъий интеллект каби замонавий воситаларнинг ахборот тармоқларига кенг жорий қилинаётганлиги ахборот минтақаси, ахборот макони деворларини йиқитиб ягона ахборотлашган жамиятни ҳосил қилмоқда. Бу даврда шу каби илмий ютуқларни соҳага энг олдин олиб кираётган давлатлар ўз маданий таъсирини ёйишда ундан оқилона фойдаланмоқдалар. Ахборотнинг бундай замонавий воситалари ахборот ташиш билан бир вақтнинг ўзида геосиёсий таъсир воситаси сифатида қаралмоқда. Айни XX

часи ҳам қўлланилади.

² Диссидент (лот. dissidens "норози" ўзгача фикрловчи) – бу умумий қабул қилинган фикрлардан ажралиб чиқиб ўзга қарашларни ҳимоя қиладиган киши. Кўпинча диссидентларнинг шахсий қарашлари ва эътиқодлари ҳукмрон таълимот ва мафкура қоидаларига зид келганлиги учун расмий ҳокимият томонидан босимга учрайди бу эса уларнинг таъқиб қилиниши ва репрессияга учрашига олиб келади.

асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида ахборот технологияларининг жадал ривожланиши тўғрисида глобал ахборот ташиш воситалари ва гигант ОАВ корпорациялар ташкил топди. Техник тараққиёт эса бир вақтнинг ўзида Ғарб давлатларига маданий устунликни ҳам берди. Шу сабабли қолган 200 дан ортиқ давлатлар инглиз тилини у орқали эса инглиз-саксон маданиятини ихтиёрий-мажбурий тарзда ўрганишмоқда. Аммо бугун замонавий сунъий интеллект ёрдамида нейротармоқлар орқали ахборотни осонгина тил тўсиғини енгиб ернинг бошқа тарафидаги инсонга етказиш мумкин.

Масалан, Британиянинг BBC ва Американинг “AOL-Time Warner” каби машҳур ахборот империялари ўз таркибига кирувчи ўнлаб телеканаллар, газеталар, журналлар, Интернет медиа-тармоқлари воситасида юзлаб ва минглаб ахборотни жаҳоннинг исталган бир нуқтасига



бир зумда етказиш ва шу йўл билан жамоатчилик фикрини керакли йўсинда шакллантиришда ғоят катта имкониятларга эгадир.³

Бу эса ахборот хавфсизлиги масалаларини янада олдинги ўринларга олиб чиқиб, ахборот технологияларини узлуксиз янгилаш, инсонларда ахборот қабул қилиш маданиятини жоиз бўлса ахборот қабул қилиш эталонини шакллантиришни долзарб масала қилиб қўймоқда.

Замонавий геосиёсий жараёнларда панғоялар (панамерика, паневропа, паневороосиё, панхитой, панислом) асосида йирик цивилизациялар ўз маданиятларини (оммавий маданият) кичик маданиятларга сингдиришга ҳаракат қилишаётганлиги, мустақил давлатларнинг ахборот узатиш ва бериш жараёнларига эгалик қилиш масалаларини эҳтимолий таҳдид ва босим ости-

³ Али Ҳасанов. Геосиёсат (Бобоҳон Муҳаммадшариф таржимаси), «Тамаддун» н. Т. 2016 й. 426 б.

га қўймоқда. Бу ҳақида америкалик сиёсатшунос олим Самуел Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви ва жаҳон тартибини қайта тиклаш” китобида “Модернизация ва ғарблашиш” бир хил нарса эмаслигини, шунингдек, ғарбдан ташқари жамиятларни ғарблаштиришга уринишлар, эҳтимол, қарама-қаршилик ва можароларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Демак бугунги дунё тартибида ўз маданиятини қаттиқ куч билан эмас, балки, юмшоқ таъсир этувчи, ғояларни аста-секин сингдирувчи, психологик ахборот воситаларидан фойдаланиш унумлироқ ҳисобланмоқда.

Хусусан ўз ғояларини ягона эзгу, эталон ғоя тарзида сингдиришга ҳаракат қилаётган ғарб давлатлари бугунги кунда кино, китоб, видеомаҳсулот шаклидаги ғоя ташувчи воситаларнинг 80-90 фоизини ишлаб чиқаришлари ёки инглиз тилидаги ОАВлари жаҳон геосиёсий маконининг 98 фоизини қамраб олганлиги⁴ ғарб маданиятини оммалаштириш имкониятини бермоқда.

Совуқ урушдан кейинги даврни цивилизациялар тўқнашуви ғояси билан бир қаторда янги империяча дунё тартиби мустақамланиши ҳақидаги назариялари ҳам ўртага ташланмоқдаки, бу эски империячилик кайфиятининг ошиб бориши, миллатчиликнинг авж олиши билан кўзга ташланяпти. Ўз геосиёсий таъсирга доирасига эга бўлган буюк давлатлар бутун бошли минтақаларга юмшоқ куч билан таъсир этиш, ушлаб туриш воситаси сифатида ОАВлардан фойдаланишда янги қўрқув риторикаларидан фойдаланмоқда.

Чунончи, Россия ва Украина ўртасидаги уруш фонидида Россия сиёсатчиларининг минтақадаги мустақил давлатларга нисбатан провакациясининг ва ксенофобияни ошириш орқали тартибсизлик ва хаос кайфиятини ҳосил қилиб империя чегараларига қайтишга интилиш ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Бир пайтлар Британия ва Россия империяси кейинчалик Россия болшевикларининг минтақаларни бошқарув сиёсатига асос бўлган “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” ғояси асосида Марказий Осиё минтақасида рус тилини билиш фоизи баландлигидан фойдаланиб, барча ахборотни буюк рус давлатчилиги ғояларини сингдириб минтақага узатишга, минтақада Афғонистон ва ғарб давлатларига нисбатан ксенофобия ривожлантириб, сиёсий кайфиятни ва принципларни ўзгартиришга ҳаракат қилишмоқда. Россия ва Украина ўртасидаги уруш фонидида олиб борилаётган провакацион дезинформациялаш ҳаракатлари Марказий Осиё давлатлари учун дарс бўлиши керак. Бугун икки давлат дунё

⁴ Али Ҳасанов. Геосиёсат (Бобоҳон Муҳаммадшариф таржимаси), «Тамаддун» н. Т. 2016 й. 426-427 б.

ҳамжамияти нигоҳида душман тарафни обрўсизлантириш мақсадида қўлидан келган ишларни қилишмоқда. Чунончи, Запорожская АЭС атрофида узоқ содир бўлган сиёсий можаро уруш фонидаги энг катта провакация бўлди дейиш мумкин.

Хўш, бундай вазиятда миллий чегаралар ортида ахборот хавфсизлигини сақлаб тура оламизми, Глобаллашув даврида ахборот тарқатиш ва қабул қилиш жараёнида биздан талаб қилинаётган ўзгаришлар қандай бўлиши лозим. Аввало, миллий давлатчилигимиз бугунги геосиёсий жараёнлар, ғайри цивилизациялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун, миллий, этник, маданий ва диний яқинликлар асосида бир бутун Марказий Осиё интеграциясининг драйверига айланиши зарур. Ягона минтақавий ҳамкорлик орқали Марказий Осиёда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бир қатор омиллар сабаб қулай шароитда амалга оширилиши мумкин. Булар:

- яхши қўшничилик, тил, этник ва тарихий-маданий яқинлик омилнинг мавжудлиги;
- жаҳон тажрибасининг мавжудлиги (бугунги Европа Иттифоқи мисолида);
- минтақа давлатлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги;
- минтақада ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ сиёсий, табиий, географик ва иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжнинг мавжудлиги;
- геосиёсий мотивларнинг ўхшашлиги.

Аввало, фикримизни далиллаш учун минтақадаги давлатларнинг тарихий маданий яқинлигига назар ташлашимиз зарур. Марказий Осиё давлатлари тарихан бир бутун бўлиб, Россия империяси босқинига қадар учта қардош давлат Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари таъсирларида бўлишган. Учала давлатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи деярли бир хил бўлиб аҳолисининг аксариятини 92 уруғ вакиллари ташкил қилган. Марказий Осиёда хилма-хил миллат ва тиллар борлигига қарамай тарихий ассимиляция жараёнлари туфайли, аҳолининг аксарият қисми бир-бирларини таржимонсиз тушунадилар.

Европа тажрибаси

Минтақада ягона информацион маконни шакллантиришда бевосита Европа тажрибасидан фойдаланиш мумкин, аммо уни кўчириб олиш ноўриндир. Европа давлатлари интеграцион жараёнларда катта тажриба орттирдилар, бу ерда тарихий қарама-қаршиликлар, рақобат, охир-оқибат XX асрда содир бўлган иккита жаҳон уруши минтақа давлатлари гегемонлигига путур етказди, Британия, Франция, Италия ўз мустам-

лакаларидан айрилдилар, жаҳонни бошқарув тартиби бошқа минтақалардаги гегемонларга ўта бошлади. Европа ресурслар ва логистик қийинчиликлар гирдобиди қолди. Шундай шароитда Германия, Франция, Италия давлатлари эски даъво ва тортишувлардан воз кечиб янги тартибдаги Европани барпо этишга киришдилар. 1952 йилда учала давлат томонидан тузилган Европа қўмир ва пўлат иттифоқи Белгия, Нидерландия ва Люксембург ҳам қўшилиди. Бу иттифоқ кейинчалик аъзо давлатларининг муштарак ғояларини ўзида акс этган Европа Иттифоқининг тамали бўлди.

Айни пайтда 27 давлат аъзо бўлган Европа Иттифоқида ўзига хос қадриятлар шаклланди. Европада барча замонавий жараёнлар у ёки бу тарзда иккита қарама-қаршилик, тенгликни ифодамоқда. Булар: бирлик ва изоляция ҳаркатларидир⁵. Маданий яқинлик асосида интеграциялашган замонавий Европа давлатларида “Европанинг ўзига хослиги” ва “Мада-



ний хилма-хиллик” шахсни ўз-ўзини англашни белгилайдиган қадриятлар тўпламига айланиб бормоқда. Бунда Европа ўзига хослиги асосида Европа давлатлари фуқаролари нафақат сиёсий, балки ижтимоий-маданий (қисман норасмий диний ҳам) ҳислар билан ўзларини европалик маданий бирлик сифатида кўришлари бўлса, маданий хилма-хиллик ғояси асосида эса Европа халқлари биринчи навбатта ўзи истиқомат қилаётган давлат фуқароси эканлигини, ўз маданиятларига эга эканликларини ва буни бошқалар ҳурмат қилиши керак эканликларини таъкидлайдилар⁶. Азалий демократик қадриятларга эга бўлган Европа давлатларида бу ҳол норма са-

⁵ Ю. В. Курышева Политика ЕС в информационной сфере: европейская идентичность и культурное разнообразие, вестник Санкт-Петербургского университета, 2008 г. С-313

⁶ Алексеев Н.Н. — Система идентичностей гражданина ЕС: перспективы перехода к постнационализму Мировая политика. – 2019. – № : https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=30078



налади. Европа давлатлари аҳолисининг сиёсий онги ҳам демократик қадриятлар ҳам миллий ва маданий ўзига хослик асосида шаклланган.

Сиёсий жараёнлар Европа Иттифоқи сиёсатидан келиб чиқиб, аввало, Европа давлатларининг сиёсий қарашларини ифода этади. Масалан, Украина-Россия, Исроил-Ғазо уруши фониди европа сиёсий принципларида икки хиллик кўзга ташланди.

Исроилнинг Ғазодаги Ҳамас гуруҳи ўртасида олиб борилаётган уруши ҳақида Франциянинг “le figaro” нашри томонидан 2023 йил 13 октябрь куни “Ҳамас тузоғига тушманг!” 23 октябрда “Ҳамас ҳужумидан кейин Исроил ва Ғазо урушмоқда”⁷, “Яҳудийларнинг миллий уйи” дан сўнги урушгача, хариталарда Исроил-Фаластин можаросининг узоқ тарихи”, Британиянинг “The Times” нашри томонидан 13 октябрь “Исроил ҳаракатини қоралашга шошилмайлик” каби мақолалар эълон қилинди. Уларнинг аксариятида Исроил томонидан Ғазода бошланган амалиёт оқланаётганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, Германиянинг 300 мингга яқин нусхада чоп этиладиган “Frankfurter Allgemeine” нашри томонидан 2023 йил 12 октябрда эълон қилинган “Демакратик давлатлар қонунга амал қилади”⁸ мақоласида Исроил бош вазир Нетаняхунинг Ҳамас ҳаракатини террорчиликда айбловлари ва Ғазога Исроил қўшинларининг амалиёти ҳақи олиб борилаётганлиги тўғрисида сўз кетади.

Украина давлатига ҳарбий ёрдам бериб турган Европа давлатлари Фаластинга келганда Исроилни тийиб туришга чақирадиган баъзи баёнотлар билан чекланиб қолишмоқда. Жумладан, 2023 йил 15 декабрда Евроиттифоқ ва яна 13 давлат: Исроилнинг босиб олинган ғарбий соҳил-

⁷ <https://www.lefigaro.fr/international/dossier/attaque-du-hamas-contre-israel-le-point-sur-la-situation>

⁸ <https://www.eurotopics.net/ru/308811/%D1%82%D0%B5%D1%80%D1%80%D0%BE%D1%80-%208B>

даги ерларда фаластинлик тинч аҳолига қилаётган зўравонлигини қоралаб қўшма баёнот билан чиқдилар. Аммо Иттифоқнинг баъзи мамлакатларида ҳатто Фаластинни қўллаб-қувватловчи намоишларни ўтказиш ҳам таъқиқланган бўлиб, фақат давлат раҳбарлари аҳолининг сиёсий кайфияти босими остида популистик баёнотлар беришга мажбур бўлишмоқда.

Демак, Марказий Осиё минтақаси Европа интеграцион моделини, шу жумладан, ягона Европа информацион маконнинг сиёсий жиҳатларини тўғридан-тўғри кўчириб ололмайди. Шунингдек, кўпгина Ғарб давлатларининг демократик тизими Марказий Осиё ҳалқларининг аъзалий қадриятлари ва қарашларига мос келмайди. Шунингдек, Минтақа давлатларида Европа давлатларидан фарқли равишда аграр-индустриал ишлаб чиқариш тизими давом этиб келмоқда. Минтақа давлатлари ташқи савдода Россия ва Хитойга ҳаддан ташқари боғланиб қолмоқдалар. Чунончи Қозоғистон Россия импортига, Қирғизистон эса Россияга товарлар экспорт қилишга энг кўп боғланиб қолган мамлакатлардир. Минтақадаги аксарият мамлакатлар импортида Хитой биринчи ўринни эгалламоқда. Минтақа давлатларида экспорт импортдан ортиқ эмас ва табиий бойликлар экспорти ташқи савдони асосини ташкил қилмоқда. Шунингдек, Минтақа давлатларида хавфсизлик масаласида ягона сиёсий қараш мавжуд эмас.

Шу каби муаммоларга қарамасдан Марказий Осиёда интеграция жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Келажакда Марказий Осиё давлатлари ягона геосиёсий бирлик сифатида дунё геосиёсий майдонида ўз ўрнини топиши, албатта, бугунги ҳамкорлик алоқаларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Али Ҳасанов. Геоинформатика (Бобоҳон Муҳаммадшариф таржимаси), "Тамаддун" н. Т. 2016 й
2. Вестник Санкт-Петербургского университета, 2008 г
3. www.lefigaro.fr
4. www.eurotopics.net/ru
5. <https://nbpublish.com>

Аннотация. В статье кратко описывается политическое информационное пространство, процессы его формирования и влияние на идеологию народов Центральной Азии. Также в статье рассматривается необходимость широкого распространения национальных интересов в политико-информационном пространстве в эпоху глобализации.

Ключевые слова: глобализация, информационное пространство, политическая информация, мягкая сила, информационный иммунитет.

Annotation. The article briefly describes the political information space, the processes of its formation and influence on the ideology of the peoples of Central Asia. The article also discusses the need for a wide dissemination of national interests in the political and information space in the era of globalization.

Key words: globalization, information space, political information, soft power, information immunity

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ

Сардор ТЎРАЕВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
4-босқич талабаси.

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида соҳаларни рақамли трансформация қилиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Рақамли технологиялар вазирлиги лойиҳаси доирасида жорий этилган стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси, тизимларидаги янгиликлар ва уларнинг натижалари, оширилаётган лойиҳалар баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли трансформацияси, давлат, қонун, жамият, рақамли жамият, электрон ҳукумат, янгиликлар, электрон ҳукумат, рақамли идора.

Рақамли Электрон ҳукумат тушунчаси илк бор 1990 йилда пайдо бўлган ва ундан дастлаб АҚШ, Англия, ҳамда Италия, Норвегия, Сингапур, Австралия каби давлатлар биринчилардан бўлиб фойдаланиб кўришган.

Электрон ҳукумат — бу давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий техник воситалар тизими.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориши, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Рақамли давлат хизмати жорий этилиши ҳар томонлама манфаатли бўлиши, айниқса, коррупциянинг олдини олиши, турли оворагарчилик ва қоғозбозликларга барҳам бериши лозим¹.

Электрон ҳукуматнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

✓ давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги;

¹ Компьютер саводхонлиги ва давлат электрон хизматларидан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги “Электрон ҳукумат” ўқув маркази. Тузувчилар: С.М.Гафуров, Э.С.Бобожонов, С.Б.Ражабов. 2017 й.

- ✓ электрон давлат хизматларидан ариза бевуричларнинг тенг равишда фойдаланиши;
- ✓ «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматларини кўрсатиш;
- ✓ давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;
- ✓ Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;
- ✓ электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ✓ ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилади².

Шу билан биргаликда фуқаролар бугун вақтини беҳуда ўтказиб, давлат идораларига бориши, навбатда туриш каби муаммоларнинг олди олинмапти. Бунда керакли мобил иловалар орқали зарур хизматдан фойдаланиш тартиби жуда оддий, ҳаммаси бир жойда ва “ягона ойна”да ишлайди. Барча соҳалар каби давлат фуқаролик хизматида мавжуд электрон лойиҳалар бир жойда жамланади ва фуқароларда “Қаерга бориш керак?” ёки “Бу қайси платформада?” деган саволлар туғилмайди. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ҳужжатларни қоғоз шаклидан электрон шаклига тўлиқ ўтказиш ҳамда ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари фаолияти ва

² <https://ict.xabar.uz/uz/voqealar/davlat-tashkilotlari-faoliyatini-raqamlashtirish-ha/>

улар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини рақамлаштиришнинг қамровини янада кенгайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга мувофиқ, ўтган давр мобайнида агентлик томонидан республикада ўхшаши бўлмаган, кенг қамровли “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплексини жорий этиш ишлари олиб борилди. Ҳозирда вазирликларнинг беш мингта функцияси-дан фақат 30 фоизи рақамлашган. Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган Ички ишлар идораларида 34 та, Адлия идораларида 32 та, “Ўзстандарт”да 29 та, соғлиқни сақлашда 11 та хизмат рақамлашмаган. Ишга ёки ўқишга кириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда керак бўладиган “086-шакл”даги тиббий маълумотномани олиш учун одамлар ҳар сафар поликлиникаларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётганди.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Биргина “Электрон ҳукумат”³ нинг қатор тизимлари — ягона интерактив давлат хизматлари портали (мй.гов.уз), фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона тизими (ид.эгов.уз), ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри (реэстр.уз), давлат фуқаролик хизматининг ягона электрон ахборот портали (мй.аргос.уз), давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очиқ портали (васансй.аргос.уз), давлат фуқаролик хизматчиларини синовдан ўтказиш модули (тест.аргос.уз) ҳамда давлат фуқаролик хизматчилари малакасини ошириш портали (илм.аргос.уз) билан интеграция қилинадиган бўлди.

Жорий йилги давлат дастурида давлат фуқаролик хизматини замонавий стандартлар асосида рақамлаштириш мақсадида “Давлат хизматчиси” мобил дастурини жорий этиш вазифаси белгиланган. Шундан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматчисининг юридик ҳамда жисмоний шахслар билан иш фаолиятига оид муносабатларини рақамлаштириш юзасидан таҳлил ўтказилди. Хусусан, давлат хизмати тизимини рақамлашти-

риш, шунингдек, давлат хизматчисининг юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатини ягона электрон тизим орқали ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси таҳлил қилинганда, Осиё мамлакатларида “Рақамли давлат хизмати” тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи модель давлат фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилаётгани намоён бўлди. Ушбу тизим Жанубий Корея, Сингапур ва Японияда муваффақиятли жорий этилган бўлиб, давлат хизматчилари учун мўлжалланган бундай дастурлар “Электрон ҳукумат” таркибий қисми сифатида шакллантирилган ҳамда мамлакатнинг ягона интерактив порталига интеграллаштирилган.



Шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали аҳоли (Г2С) ва тадбиркорларга (Г2Б) рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси деб белгиланганлиги, давлат бошқарувида (Г2Г) қоғозсиз иш юритишга ўтишни жорий этиш орқали босқичма-босқич ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидаги ташкилотлар тўлиқ ўтказилиши белгилаб қўйилгани алоҳида қайд этилган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи “Рақамли Тошкент” комплекс дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маъри-

³ <https://lex.uz/acts/-4103415>

фат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борилгани бежиз эмас⁴.

Бундан ташқари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш талаблари ҳам қўйилганди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси лойиҳасида “Э-Антисор.уз” электрон платформасида амалга ошириш⁵, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро ҳокимликларидаги инсон ресурсларини бошқариш фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида “hnm.argos.uz” электрон дастури ишга туширилган, ҳозирги кунда тизимга 4 мингга яқин давлат органлари ва ташкилотлар уланган.

Жорий йилнинг 22 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам айнан рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга бағишланган эди. Унда рақамлаштириш йўналишида мавжуд камчиликлар санаб ўтилди ва кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Тадбирда Рақамли технологиялар вазирлигининг давлат органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини ҳамда давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, аҳолини сифатли оптик толали интернет билан таъминлаш ҳамда рақамли инфратузилмани ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари санаб ўтилиб муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ва “КфW” банки ўртасида “Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 12 йил муддатга 45 миллион евро миқдорида қарз битими ҳамда 5,5 миллион евро миқдорида грант битими имзоланганлигини маълумот ўрнида айтиш лозим.

Қайд этилганидек, Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан 2022 йилда Ягона порталда жорий этилган давлат хизматлари сони 370 тага етказилган ва 2023 йилда яна қўшимча 200



та электрон хизматлар жорий қилинди. Бундан ташқари, “Электрон ҳукумат” ҳамда “Электрон манба”нинг⁶ асосий принципларидан бири электрон хизматларни “бир дарча” тамойили асосида, яъни электрон ҳамкорлик асосида кўрсатиши белгиланган бўлиб, ушбу йўналишда фуқаролардан 70 дан ортиқ ҳужжат ҳамда маълумотномаларни талаб қилиш амалиёти ва 38 турдаги хизматлардан фойдаланишда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги bosqichga олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолияти натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши ўтказилганди.⁷

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси раиси ўринбосари — Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов Давлат раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш ҳолати, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда устувор вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини, бугунги кунда Президент томонидан рақамлаштириш масаласига катта эътибор қаратилаётгани, ўтган йилнинг ўзида мазкур масала юзасидан 4 мартаба йиғилиш ўтказилгани, рақамли технологиялар соҳасини янада ривожлантиришга доир Фармон (ПФ–76) ва қарор (ПҚ–162) имзолангани, мазкур ҳужжатларга асосан вазирлик ва идоралар олдида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилганди.⁸

Мамлакатимизда электрон ҳукуматни куриш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш

⁴ <https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-tendrlari-va-xususiyatlari/>

⁵ <https://lex.uz/docs/-6000285>.

⁶ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //2020-yil.// (Elektron manba) <https://nrm.uz/>

⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasini yangi bosqichga olib chiqish to'g'risida”gi PQ–357-son qarori ijrosi, 22.08.2022-y

⁸ <https://lex.uz/ru/docs/-5030957/>

борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришда тизимни рақамлаштириш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширди.

Бунинг натижасини янги таҳрирдаги Конституциянинг оммавий ахборот воситаларига оид 5 та муҳим қонунда ҳам кўришимиз мумкин: Булар:

- ✓ Давлат Интернет тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.
- ✓ Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.
- ✓ Давлат оммавий ахборот воситаларининг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.
- ✓ Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.
- ✓ Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

Бундан ташқари, Марказий Осиё ва Кавказнинг етти мамлакатидан 20 нафардан ортиқ мутахассис Корея Республикасининг рақамли трансформацияси бўйича илғор тажриба ва технологияларни ўрганишди. Сеул шаҳрида ташкил этилган тадбирда Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари Жасур Шораҳмедов қатнашди. Унда Корея Республикаси Ички ишлар ва хавфсизлик вазирининг рақамли



ҳукумат бўйича ўринбосари Сух Борам тадбирни очар экан, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари билан рақамли ҳукумат ҳамда давлат хизматлари соҳасидаги ишлар фаол равишда олиб

борилаётганини таъкидлади. Уч кунлик тадбир дастури доирасида “Кореянинг рақамли трансформация амалиёти” семинари ташкил этилди. Семинар давомида давлат бошқарувининг рақамли платформа модели, Корея рақамли ҳукумати-нинг сўнги ташаббуслари ва уларни амалга ошириш усуллари билан танишилди.

“ICT WEEK UZBEKISTAN – 2023” АКТ доирасида Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан “Рақамли ҳукумат – ҳукумат инсонлар учун” саммити ўтказилди. Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари, Хитой, Корея, Қозоғистон каби давлатлардан етакчи вакиллар қатнашди. Маҳаллий экспертларнинг тақдимотлари тингланди. Саммитда соҳа вакиллари ва фаоллар давлатнинг рақамли трансформацияси ва унинг фуқаролар ҳаётига таъсири билан боғлиқ муҳим масалаларни, шунингдек, турли мамлакатлар ва минтақаларда рақамли ҳукуматлар эришаётган муваффақиятлари, дуч келинаётган муаммолар ҳамда имкониятлари муҳокама қилинди.⁹

2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегиясида.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш.

Давлат хизматларини мобил иловалар орқали кўрсатишни кенгайтириш. Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш.

✓ “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш.

✓ Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш.

✓ Фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш.

✓ Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш.

✓ “Рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш.

✓ “Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян

⁹ <https://gov.uz/oz/digital/news/view/3259/>

фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.

✓ Хориждаги Ўзбекистон фуқароларига давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш. Давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш каби таклифлар киритилган.

Рақамлаштириш соҳасида давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлаш ҳамда мазкур йўналишида қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш мақсадида 2023 йилнинг 3 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан эшитув ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас.

Фикрларим сўнгида шуни айтмоқчиманки, сўнги йилларда юртимизда давлат органлари ҳукумат ва ташкилотларининг фаолиятларини ҳамда аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини

рақамлаштириши, олис ҳудудларда мобил алоқа ва мобил интернет қамровини кенгайтириши, шунингдек мобил инфратузилмани ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам бунинг натижаси десак адашмаймиз.

ХУЛОСА

Яъни кўриб турганимиздек, бу механизм ходимларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, масофадан туриб ишлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш шу билан биргаликда аҳолининг вақтини тежаш имкониятини яратмоқда. Ва шундан келиб чиқиб, давлат органлари раҳбарлари ва ходимларининг рақамли ҳукуматни ривожлантириш ва даражасини ошириш бўйича махсус ташкилотлар томонидан жадал ишлар олиб борилапти ҳамда ўқув дастури тайёрланмоқда, ходимларнинг рақамли ҳукумат ҳамда саводхонлиги бўйича малакасини оширишни масофадан туриб амалга ошириш механизми ҳам ишлаб чиқилган. Ва таҳлиллар натижасида рақамли ҳукуматни жадал ривожлантириш учун давлатимизда жадал ишлар олиб борилапти.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //2020 йил.// (Электрон манба) <https://nrm.uz/>
2. <https://lex.uz/docs/-6000285/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарори ижроси, 22.08.2022 й.
4. <https://lex.uz/ru/docs/-5030957/>
5. Компьютер саводхонлиги ва давлат электрон хизматларидан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги “Электрон ҳукумат” ўқув маркази. Тузувчилар: С.М.Гафуров, Э.С.Бобононов, С.Б.Ражабов. 2017 й.
6. <https://lex.uz/acts/-4103415>
7. <https://ict.xabar.uz/uz/voqealar/davlat-tashkilotlari-faoliyatini-raqamlashtirish-ha/>
8. <https://kun.uz/uz/news/2020/07/06/raqamli-iqtisodiyot-rivojlanish-trendlari-va-xususiyatlari/>
9. <https://gov.uz/oz/digital/news/view/3259/>

Аннотация: *Нормативно-правовые документы, связанные с цифровой трансформацией отраслей промышленности Республики Узбекистан, стратегические цели и приоритеты, реализуемые в рамках проекта Министерства цифровых технологий, инновации в стратегии «Цифровой Узбекистан 2030», системы и их результаты, реализуемые проекты.*

Ключевые слова: *цифровая трансформация, государство, право, общество, цифровое общество, электронное правительство, новости, электронное правительство, цифровой офис.*

Abstract: *normative legal documents related to the digital transformation of industries in the Republic of Uzbekistan, strategic goals and priorities implemented within the project of the Ministry of Digital Technologies, innovations in the «Digital Uzbekistan 2030» strategy, systems and their results, ongoing projects stated.*

Keywords: *Digital transformation, state, law, society, digital society, e-government, news, e-government, digital department.*

ПЛАН СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ «УЗБЕКИСТАН – 2030» И «САУДОВСКОЕ ВИДЕНИЕ – 2030» НАЦЕЛЕННЫЕ НА ВНУТРЕННЮЮ ТРАНСФОРМАЦИЮ

Нигина КУШАЕВА,

студентка магистратуры УМЭД факультета «Международных отношений и Мировой политики»

Аннотация. *Статья посвящена сравнительному анализу модели развития двух государств Республики Узбекистан и Королевства Саудовской Аравии, ориентированные на долгосрочные и амбициозные трансформации внутри страны, основной целью которых является повышение конкурентоспособной идентичности государства в мире.*

Ключевые слова: *«Видение Саудовской Аравии 2030», стратегия «Узбекистан–2030», предпосылки реформ, внутренняя трансформация, свобода от нефти, инвестиции, суверенный фонд, структурная реформа, зеленая карта.*

Алишер Навоий нафақат буюк ижоди, балки буюк саховатпешалиги билан ҳам тарихда ном қолдирган. «*Нафъинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур*», дея барчамизга ибрат ўлароқ Навоий умри мобайнида халқ манфаатлари, эл дарду ташвиши учун жон куйдириб, шунингдек, асарлари орқали одамларни яхшилик қилишга ундаб яшаган. У отасидан қолган мерос ҳамда давлат амалдори сифатида ўзига ажратилган ерлардан келадиган даромад ҳисобидан Хуросонда уч юз етмишта хайрия муассасаси қурдирган. Унинг ана шундай эзгу ишларидан бири Ҳирот шаҳридаги Инжил анҳори бўйида бунёд эттирган Ихлосия мадрасасидир. Навоий талабаларнинг моддий эҳтиёжини таъминлаб туришга ҳам алоҳида аҳамият қаратган. Масжид ва мадрасага ажратилган ерлардан келадиган даромад эвазига талабаларга нафақа, ишчиларга маош, кундалик озиқ-овқат, кийим-кечак берилган.

Мир Алишер Навоий – инсон манфаатини улуғ тутган буюк арбоб бўлиб, эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмаги, адолат тантанаси учун кўплаб хайрли ишларни амалга оширган. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, беморлар учун «Шифоия» шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига қорихона («Дор ул хуффоз») қурдирди. Ҳиротда яна «Низомия», Марвда «Хусравия» ва бошқа мадрасалар бино этилди. Навоий аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мунтазам кўмак бериб келган. Хусусан, деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб, камбағал деҳқонлар ишлаши ва кун кечириш учун шароитлар яратиб берган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдориди эди. Улуғ Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Булар албатта, жойларда аҳоли турмуш тарзининг юксалишига хизмат қилган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳазрат Мир

Алишер Навоий ўз даврида халқнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериб, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйишга ҳаракат қилган.

Давлатимиз бугунги кунда ҳам бой ижтимоий-маданий тарихий, тажрибаларга таяниб, дунё ҳамжамияти амалда қўллаётган замонавий жамият талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсатини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни ЎзЛиДеП партия съездида сайловолди дастурини тақдим этар экан, шундай деди: «Ижтимоий ҳимоя фақат пул бериш билан чекланиб қолмоқда. Аслида, бу тизимнинг вазифаси аҳолини оғир аҳволдан чиқариш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши учун кўмак беришдан иборат бўлиши керак. Мисол учун, бизда оғир вазиятга тушган 30 та тоифадаги 9 млн аҳоли бор. Булар — ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, оилада зўравонликка учраган аёллар. Ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳозирда 6 та вазирликка тарқоқ бўлган барча ижтимоий хизматлар бирлаштирилади. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилади».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонига кўра,¹³ Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. У фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида яратилди. Бандлик вазирлиги, ССВ, ИИВ, ММТВ ва бошқа тузилмаларнинг тегишли бўлимлари агентликка ўтди.

Фармонда янгиланган Конституцияда белгилаб берилган ижтимоий давлат тамойиллари қайд этилган, шунингдек, «фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш» ҳақида сўз борган.

Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/-6480342>

давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилади.

Фармонда давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган:

- комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилиш;
- ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш орқали аҳолининг қўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасигача ташкил этиш, оғир ҳаётини аҳволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш;
- аҳолининг ижтимоий суғурта механизмлари билан қамраб олинишини кенгайтириш;
- хавф гуруҳларига тушиб қолган оилаларни аниқлаш ва комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт кечириши учун қулай муҳит яратиш.¹⁴

Фармонга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб:

- ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик нафақаларини тўлаш;
- ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналар учун нафақаларни тўлаш;
- бола туғилиши учун бериладиган нафақалар (суюнчи пули)ни тўлаш;
- дафн маросими харажатларини қоплаш;
- етим ва чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш;
- Меҳрибонлик уйлари ва болалар уйлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш;
- вояга етмаган болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хизматларини молиялаштириш;
- «Меҳр дафтари»га киритилган етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ёрдам кўрсатиш;
- етим ва чин етимларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг иқтидорли болаларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирлар харажатларини қоплаш;
- етим ва чин етим болаларнинг соғлигини сақлаш, саломатлигини тиклаш, уларни ҳаётга

тайёрлаш, таълим бериш, касб-ҳунарга йўналтириш ва ишга жойлаштириш тадбирларини ташкил этиш;

- жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшига етмаган болаларга психологик ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва тарбиялаш тадбирларини ташкил этиш;

- қаровсиз ва бошпанасиз қолган болалар, зўравонлик қурбони бўлган болалар, жиноят қурбонлари ва гувоҳлари, жиноят содир этган ва жиноий жавобгарлик ёшига етган ҳамда фуқаролик процессида иштирок этаётган болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш;

- вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ва республика таълим муассасаларининг лойиҳа ва дастурларини молиялаштириш;

- оилаларда (ҳомийликка олинган) тарбияланаётган ҳар бир етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш вазифаларини амалда йўлга қўйиш бошланди.

2024 йил 1 июлдан бошлаб ушбу Фармонга ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ҳам ижтимоий ҳимоянинг тизимли йўналишлари кўрсатилган:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларда овқатлантириш харажатларини қоплаш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига давлат мактабгача таълим ташкилотлари хизматлари учун ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-кечак, ўқув қуроллари, дарсликлар, иш юритиш материаллари билан таъминлаш;

- эҳтиёжманд аҳоли қатламига тиббий, психологик ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

- уй-жойга муҳтож, ота-онасидан ёки улардан биридан маҳрум бўлган вояга етган қизлар, шунинг-



¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/-6480342>

дек ёлғиз она, ёлғиз ота ёки ўзгалар қарамоғида бўлган чин етимларни уй-жой билан таъминлаш;

- «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдамлар тўлаш, ижтимоий ғимояга муҳтож хотин-қизларга юридик ёрдам ва давлат божини тўлаш харажатларини қоплаш;

- ОИВ инфекцияси ва бошқа ҳаёт учун хавфли ва сурункали ноёб (орфан) касалликлар билан касалланган 18 ёшгача бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш;

- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга бир марталик моддий ёрдам пули тўлаш;

- оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларга бир марталик моддий ёрдам ва субсидиялар бериш, уларнинг куз-қиш мавсумида коммунал тўловлари ва иситиш ёқилғисини харид қилиш харажатларини қисман қоплаш;

- ижтимоий ғимояга муҳтож шахсларнинг ўқиш ва даволаниш билан боғлиқ харажатларини қисман қоплаш;

- ижтимоий ғимояга муҳтож шахсларнинг жамоат транспортдан фойдаланиш харажатларини қоплаш каби ижтимоий ғимояга муҳтож оилалар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилашга қаратилган ижтимоий ғимоя тизимининг долзарб вазибалари белгилаб берилган.¹⁵

Фармонда аҳолининг ижтимоий ғимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларини, аёллар, болалар, ёшлар ва кам таъминланган оилаларни истиқболда амалга ошириш 2025 йил 1 январдан бошлаб:

- ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш;

- паллиатив ёрдам кўрсатиш марказлари ва шелтерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳалар ва дастурларни молиялаштириш, шунингдек, доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш, ижтимоий ошхоналар ташкил этиш;

- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган шахсларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, «Имкон» реабилитация марказига эга кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар, имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаблари лойиҳалари ва қўллаб-қувватлаш

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/-6480342>

дастурларини молиялаштириш каби ижтимоий давлат амалга ошириши лозим бўлган аҳолини ижтимоий ғимоя қилишнинг комплекс чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Фармон ижросига кўра, зарур идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашган «Ягона миллий ижтимоий ғимоя» ахборот тизимини ишга туширилди. Худди шу кундан бошлаб Ижтимоий ғимоя ягона реестри ахборот тизими агентлик тасарруфига ўтказилди.

Аҳолига кўрсатиладиган барча турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар, шу жумладан, кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдамлар бўйича аризалар «Ягона миллий ижтимоий ғимоя» ахборот тизими орқали қабул қилинмоқда. Ахборот базалари маълумотлари асосида ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини акс эттирадиган ижтимоий паспортлар жорий этилмоқда. 1 октябрдан бошлаб Ижтимоий ғимоя агентлиги ҳузурида Ижтимоий ғимоя давлат жамғармаси тузилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги дунё ҳамжамиятида ижтимоий хизматлар тизимини такомиллаштиришга, ижтимоий ғимояга нечоғлиқ аҳамият қаратилаётган бўлса, шарқда ҳам инсоният маданий турмуши тарихи босқичларида етарлича эътибор қаратилган ва бу функциялар маълум бир шахс ё ўз даврининг ижтимоий институтлари, муассасалари томонидан бажариб келинган. Бу жараёнлар бугунги замонавий ижтимоий хизматлар тизимининг шаклланишига, ижтимоий ғимоянинг йўлга қўйилишига асослардан бири бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистон ижтимоий давлат бўлиш учун ўзининг бой тарихий-маданий тажрибасига эга. Бундан кейин ҳам кучли ижтимоий адолатга асосланган сиёсат олиб бориши халқ фаровонлигининг асоси бўлиши шубҳасиз. «Ягона миллий ижтимоий ғимоя» ахборот тизими ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бораётганининг амалдаги яққол далилидир. «Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат», деган тамойилни конституциявий аҳамияти жамият фаровонлигига хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий давлатга айланишининг тарихий асослари етарли бўлган билан, шу мустаҳкам илдишларга таянган ҳолда бугунги замон билан ҳамнафас, яхши ўзгаришлар билан бир қаторда дунё ҳамжамияти талаблари даражасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Шу жумладан:

- турли хил интернет тармоқларидаги маънавиятга зид зарарли манбалар ва бозор иқтисодиёти муносабати тарихий асос ва қадриятларнинг замонавий жамият ва ёшлар учун қадрсизланиб бораётгани;

- ногиронлиги бўлган болалар ва ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун суний тўсиқларнинг ҳамон мавжудлиги;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий институтлар томонидан етарли даражада ижтимоий-ҳуқуқий ҳимо-

яга олинмаётгани каби ҳолатлар кузатилаётгани учун қуйидаги таклифларни илгари сурамиз.

- ижтимоий давлатчилигимизнинг тарихий асослари ва ижтимоий-маданий қадриятларнинг ёшлар дунёқарашининг шаклланишида аҳамиятини ошириш;

- яқинлари ва ота-онаси томонидан зўравонликка учраган болаларни ҳуқуқий ҳимояга оладиган ва амалда ижтимоий ҳимоя қиладиган ижтимоий хизматлар ташкилотини тузиш ҳамда бу борадаги ижтимоий роликларни кўпайтириш керак деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/-6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ-82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. <https://lex.uz/docs/-6480342>
3. Қурони Карим. Ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тошкент – 2019. «Ҳиллол-нашр». – Б. 34.
4. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Абдулазиз Мансуров. Тошкент-1990. «ФАН». – Б. 32.
5. Амир Темур. «Темур тузуклари». Тошкент – 2018. Ёшлар нашриёт уйи. 85-бет.
6. Алишер Навоий «Лисонут-тайр». Тошкент – 1991. Ғофур Фулом номдаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 12-13-бетлар.

Abstract. *This article discusses the significance of the new amendment to the Constitution designating Uzbekistan as a social state and analyzes the experience Uzbekistan has accumulated during its historical development as a social state. It highlights the creation of a new system in New Uzbekistan for developing and implementing a unified state policy on social protection and provision of social services to the population.*

Key words: *social state, social policy, social justice, fair society, social protection, social service, generosity, material and moral support.*

Абстрактный. *В данной статье анализируется важное событие, заключающееся в том, что в новой редакции Конституции Узбекистан определен как социальное государство, а также опыт, накопленный в ходе исторического развития социального государства Узбекистан. Освещено создание новой системы разработки и реализации единой государственной политики в области социальной защиты населения и предоставления социальных услуг в новом Узбекистане.*

Ключевые слова: *социальное государство, социальная политика, социальная справедливость, справедливое общество, социальная защита, щедрость, материальная и духовная помощь.*

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Шерзод МАДИЕВ,

Тошкент давлат юридик университети
магистранти

Аннотация. Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган ташқи меҳнат миграцияси ташкилий ва ижтимоий хусусиятлари мутахассислар томонидан ўрганилган, аммо бу жараёни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш илмий асосда тадқиқ қилинмаган. Мақолада мана шу масала юзасидан мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, халқаро, ҳуқуқий тартиб, муҳожирот.

Кириш

Янги Ўзбекистон шароитида меҳнат миграциясининг ҳуқуқий масалаларини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли миграцияси (муҳожироти)- одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш жараёни инсоният цивилизациясида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бу воқелик ўзининг қадимий тарихига ҳам эга. Бу жараённинг бошланиши ибтидоий жамоа тузумининг деҳқончилик ва чорвачиликнинг ажралиши даврига тўғри келади. Баъзан кўчиш ихтиёрий тарзда юз беради, одамлар яхши ҳаёт излаб бегона юртга кўчиб ўтади, айрим ҳолларда кишилар уруш ёки табиий офатдан қочиб, кўчишга мажбур бўлишади. Шунга кўра, умумий муҳожиротни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) меҳнат миграцияси; 2) илм олиш миграцияси; 3) қариндошлар бирлашуви; 4) қочоқлик асосидаги муҳожирот; 5) климатик миграция.

Бугунги кунда кўплаб давлатлар халқаро меҳнат мигрантларининг келиб чиқиш, транзит ва қолиб яшаш субъектига айланиб бормоқда. Бундай ҳолат, баъзи мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт, маиший хизмат, фан ва технологик жараёнларда ҳамда бошқа соҳаларда кадрлар етишмовчилиги муаммоларини ҳал этишга, иқтисодиётнинг юксалишига, мигрантлар келиб чиқаётган давлатларга эса

валюта тушумининг кўпайишига олиб келмоқда. Тарихда меҳнат муҳожиротининг дунё мамлакатлари сиёсий ва иқтисодий ривожда канчалик муҳим бўлганлигини – АҚШ, Канада ва Австралия каби давлатлар мигрантлар мамлакатлари бўлиб, уларнинг жаҳон цивилизацияси харитасидаги юқори мавқелари кўрсатиб туради. Шунингдек, hozirgi davrda Америкадаги жаҳоннинг энг замонавий технологик маркази ҳисобланган “Кремний водийси”да фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг катта қисми халқаро меҳнат мигрантлари эканлигини эътироф қилиш лозим.

Асосий қисм

Халқаро меҳнат миграцияси мамлакатлар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг тафовути натижасида келиб чиққан ҳолат ҳисобланади. Бу жараён ташкилий ёки стихияли бўлиши мумкин. Охири йилларда Африка қитъасидан, Фаластин ва Афғонистон каби мамлакатлардан Европага ноқонуний келиш ҳолатларининг кўпайиб кетаётгани, АҚШга Мексика орқали чегарадан норасмий ўтиш фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Қўшма Штатларга Лотин Америкаси, хусусан Мексика орқали ўтган ёки ўтишга уринаётган мигрантларнинг маълум қисми Ўзбекистон фуқаролари эканлиги ҳам бизга маълум.

Эътироф этиш лозимки, халқаро меҳнат миграцияси айрим ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўзбекистон Миллий университети доценти, иқти-

сод фанлари номзоди З.А. Толаметова «Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари» номли мақоласида: «Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва глобаллашуви жараёнида меҳнат миграцияси алоҳида ўринга эга. Халқаро товар, хизмат ҳамда сармоя бозори билан бир қаторда, бозор муносабатларининг ривожланишида ҳозирги даврда халқаро меҳнат бозори муҳим аҳамият касб этади». Ушбу мақолада меҳнат миграцияси – меҳнат ресурслари бандлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, меҳнат миграцияси ишчиларни экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлик сонини қисқартириш мумкин”лиги айтиб ўтилган [Толаметова 6, 83-84].

Сўнги ўн йилликларда дунё бўйлаб меҳнат мигрантлари сони ошиб бориши тенденцияси кузатилаётганда. БМТ маълумотида кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг тахминан 3,6 фоизи ёки 281 миллион кишидан иборат қисми ёхуд ҳар ўттиз беш кишидан бири ватанини чет элда ишлаш учун тарк этган муҳожирлардан иборат. Миграциянинг назоратсиз ва ноқонуний амалга ошиши айрим мамлакатларда ижтимоий аҳвол оғирлашувига, гуманитар инқироз юзага чиқиши эҳтимоли баланд туради. Аммо умуман олганда, миграция жараёни мигрантни қабул қилган ва муҳожирлар келиб чиққан мамлакатлар барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши ҳам маълум.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, халқаро меҳнат миграцияси – жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг глобал ўсиши ва янги технологик жараёнларнинг ривожланишига, шунингдек мигрантлар меҳнат самарадорлиги муҳожирлар келиб чиқувчи мамлакат аҳолиси ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

«Меҳнат ресурслари бандлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири меҳнат миграцияси ҳисобланиб, унинг асосини ишчи, хизматчи, турли соҳа мутахассислари, илмий-техник ходимлар, маданият ва санъат соҳасида кадрларнинг кўчиб юриши ташкил қилади» [Толаметова 6, 85-86]. Яъни, бундай миграция натижасида ишчи кучига эҳтиёжманд давлатлар нафақат оддий ишчиларни, балки юқори малакали мутахассисларни ҳам қабул қилади ва натижада мигрантларнинг меҳнат маҳсули ушбу мамлакатларнинг моддий, илмий-технологик ва маданий «хазинаси»ни бойитади.

Қочоқлик асосидаги миграция ҳам меҳнат миграцияси билан узвий боғлиқ. Бундай ҳолатларда мигрантларни қабул қилган давлатлар, уларнинг ҳаётини давом эттиришлари учун шароит яратишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга, фуқароларнинг маълум қисмини

ишга жойлаштириш чораларини кўришга, уларга нисбатан ижтимоий ҳимоя тизимларини жорий қилишга, айрим мамлакатлар ва «Қизил хоч» каби халқаро уюшмалар эса қочоқлар билан боғлиқ бўлган логистика ва транзит масалаларини ечиш ва ижтимоий-гуманитар жараёнларида фаол қатнашишга, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича вақтинчалик ва доимий зарур чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур бўладилар. Жумладан, Россия ва Украина ўртасидаги сиёсий можародан қочиб, МДҲ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатларга келган қочоқлар бунга мисол бўла олади. Африка мамлакатларидан Италия ва Европа Иттифоқининг бошқа ҳудудларига қўлбола сузиш воситалари ёрдамида денгиз орқали келаётган мигрантлар ҳам меҳнат муҳожирлари, ҳам қочоқлар деб тан олинмоқда.

Кўп сонли Ўзбекистон фуқароларининг Россия Федерациясига ишлаш мақсадларида боришаётгани ҳам меҳнат миграциясининг асосий кўринишларидан биридир. Бундай ҳолат кўшни Тожикистон ва Қирғизистон фуқаролари муҳожирлик ҳаракатларида ҳам кузатилади. Таъкидлаш муҳимки, халқаро меҳнат муҳожирлари, маълум сабабларга кўра уларни қабул қилувчи мамлакатлар аҳолисидан тубдан фарқ қилади. Уларни ажратиш турувчи асосий ижтимоий, ҳуқуқий ва физиологик фарқларни санаб ўтамиз: 1) маҳаллий тилларни, урф-одатларни ва қабул қилинган қонунлар ва қоидаларни етарли даражада ёки умуман билмаслик; 2) бошқа ирқга, миллатга ва динга мансублик; 3) умумтаълим ва технологик малаканинг етишмаслиги; 4) психологик ҳолат билан боғлиқ бўлган нотенглик: (ижтимоий ва ҳаётий жараёндаги тезкор ўзгараётган вазият, келажак мавҳумлиги, янги мамлакатдаги дастлабки эҳтимолий молиявий қийинчиликлар, яшаш ва иш соҳасидаги шароитлар, янги тилни ва ҳунарларни ўрганиш жараёни, миграцион ҳужжатларни тайёрлаш, етказиш ва қабул қилиш, уларни расмийлаштиришдаги расмийчилик, қариндош-уруғлар ҳамда яқинлар билан масофавий олисликка ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган психологик ҳолатнинг ўзгарувчанлиги, шу жумладан, руҳий тушкунлик, ҳаддан ортиқ орзу-ҳавасга интилиш натижасида қабул қилинган нотўғри қарор ва ички қоидаларни бузиш ҳолатлари) ва бошқа фарқлар.

Матбуот хабарларига кўра, Ўзбекистонда меҳнат миграциясини ижтимоий жиҳатдан ўрганиш доирасида ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ уй хўжалиқларининг улуши бугунги кунда 2019 йил даражасига кўтарилди, яъни 20 фоизни ташкил этди, бу деярли ҳар бешинчи оилада меҳнат муҳожирининг мавжудлигини тасдиқлай-

ди. 2021 йилда Ўзбекистонга пул ўтказмалари ҳажми 8,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, шундан 5,7 млрд. АҚШ доллари (яъни 70 фоиз) Россия Федерациясидан келиб тушди ва ҳар бир меҳнат муҳожирини учун ойлик пул ўтказмалари миқдори 453 АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан англашиладики, ҳозирги даврда халқаро меҳнат миграцияси Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳим ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Аҳоли сони бўйича Марказий Осиёда етакчи бўлган, иқтисодий салоҳияти кўтарилиб бораётган Ўзбекистон ижтимоий давлатдир. Аҳолининг яшаш даражаси юқорилаётгани ва тарихан мавжуд бўлган миллий анъаналар сабабли мамлакат фуқаролари сони кундан-кунга ўсиб бормоқда ва бу ҳолат миграция жараёнининг жадал ўсишини тақазо этиши табиий ҳолатдир.

Ўзбекистон қонунчилигини ва ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган қарорларни таҳлил қилиш, энг аввало шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги, 19-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши, 23-моддасида ҳукумат томонидан мамлакатимиз фуқаролари ҳуқуқлари чет элларда ҳам ҳимоя қилиниши кўрсатилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи дунёда юқори нуфузга эга бўлиб бормоқда. Президентимизнинг оқилона сиёсати натижасида мамлакатимизнинг жаҳонга юз очиб бораётганлиги, дунёнинг ривожланган давлатлари, қўшни мамлакатлар ва қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг кундан-кунга кенгаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, унинг Марказий Осиёда тутган ўрни, демографик вазиятдаги ёшлар сони билан боғлиқ ўзгаришлар, шунингдек, постсовет ҳудудида жойлашган айрим давлатларда юзага келаётган жуғрофий ва геосиёсий муаммолар халқаро миграция жараёни Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти, бу жараён, айниқса меҳнат миграцияси масаласида ҳукумат даражасида фаол ҳаракат

юретишни, ташқи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан оптимал тил топишни, бу жараёнга қонуний тус беришни, ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳукуматлараро шартномаларни кенгайтиришни, мавжуд битимларни тартибга солишни, миграция билан боғлиқ таълим, логистика ва транзит тизимларини яхши йўлга қўйишни ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сонли қарори “Ўзбекистон Республикасининг ташқи миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, шунингдек, 2020 йил 15 сентябрда қабул қилинган иккинчи ПҚ-4829-сонли “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳожирлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган дадил қарарлар бўлди.

Олий Мажлис Сенати томонидан 2023 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳақида”ги қарор ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш учун республикамиздан ташқарида меҳнат бозорини ташкил қилиш ҳамда назорат қилишга ёрдам беради. Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, хусусан, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда бошқа давлат ва ҳукумат бўғинлари фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон биринчи навбатда меҳнат мигрантлари етказиб берувчи мамлакат бўлганлиги сабабли, энг аввало, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган: 1) меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 2) хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш; 3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш; 4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; 5) хориждаги меҳнат миграцияси билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш; 6) юридик шахсларга хорижий ишчиларни жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш); 7) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш, (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш).



Агентлик фаолиятининг устивор тамойиллари сифатида, Давлат раҳбари қарорларида хорижда қонуний меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро учун масъуллик, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, Ўзбекистон Республикасидан хорижда меҳнат қилиш учун чиқаётган ҳар бир фуқаронинг ўқитилганлиги ва тайёрланганлигини таъминлаш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган 2018 йил 5 июлдаги қарори асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма тузилган. Бу жамғарма хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш билан шуғуланади. Жамғарманинг асосий мақсадлари қилиб қуйидаги харажатларни молиялаштириш белгиланган: 1) хориждаги меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш; 2) меҳнат миграциясида бўлган даврда жараҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизмат ҳақларини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда тиббий хизмат кўрсатиш; 3) ишга жойлашганлиги давлатнинг тегишли муассасалари томонидан тасдиқланган ҳолларда республикадан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек, хориждаги меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланиш ёки жиддий жараҳатланган фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш; бошқа зарур ҳолатларда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларга моддий, жисмоний ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар юклатилган.

Жорий йилнинг март ойида АҚШ, Канада, Буюк Британия, Япония ва Европа мамлакатларига «ишчи виза» орқали ишлаш учун бораётган Ўзбекистон фуқароларига виза ва транспорт учун сарфланган харажатлар тўлиқ қоплаб берилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Бироқ шу ҳам маълумки, 2016 йилга қадар мамлакатимизда чет элларда меҳнат қилаётган муҳожирларимизга нисбатан салбий қараш мавжуд бўлган ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида ҳукумат томонидан зарур бўлган ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилинмаган. Бугун эса халқаро меҳнат миграцияси юзасидан



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган резолюция ва қарорлар давлатимиз томонидан ратификация қилинган ҳамда халқаро уюшмалар билан мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шуни қайд қилиш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигига қарашли хорижда фаолият юритаётган консуллик идораларига ҳам республикаимиздан ташқарида ишлаётган меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқларини (чет эллардаги бошқа фуқароларимиз қаторида,) ҳимоя қилиш, уларнинг муурожаатларига қонун талабларига асосан ёндашиш вазифаси юклатилган. Россия Федерациясининг айрим шаҳарларида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари ҳам ташкил қилинган. Бунинг самараси ўлароқ фуқароларимизнинг чет элларда меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши эътирофга лойиқдир.

Хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати томонидан фуқароларимизнинг меҳнат миграцияси жараёни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминланган бўлиб, ҳукуматимизнинг бу соҳадаги фаолияти БМТ, Халқаро миграция ва меҳнат ташкилотлари ишлаб чиққан резолюция ва қарорларга тўлиқ мос келади. Шунингдек, Конституциямизда фуқаролар ҳуқуқларининг нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки чет элларда ҳам давлат томонидан ҳимоя қилинишининг эътироф қилингани, бу борадаги ўта муҳим форс-мажор муносабатларнинг муаммоли масалаларини ижобий ҳал этишга амалий ёрдам беради. Масаланинг шу жиҳатларини илмий йўналишда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу мавзу Ўзбекистонда муҳожирлик масалаларининг ҳуқуқий ечими соҳасига илк бора илмий ҳисса бўлиб қўшилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев, Ш.М. Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқ., Т., «Ўзбекистон овози» газетаси, 2023, 28 июнь., 1-2-б
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Юридик адабиётлар публиш», 2023. 10, 12, 15, 20-21 -б
3. Бекашев, Д.К., Ивашов, Д.В. «Международное правовое регулирование вынужденной и трудовой миграции», монография, М., Проспект, 2013, 392 -стр.
4. Сайт ООН (www.un.org)
5. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги саҳифаси (mehnat.uz)
6. Толаметова,З.А. «Международная трудовая миграция и её особенности» Т., журнал «Экономика и предпринимательство» 2019. стр. 283-290
7. Толаметова,З.А. «Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари». Т., «Экономика и финансы» журнали., 2016- №3, 8-9-б
8. Шамсиева М., Азимов А. «Халқаро меҳнат мигрантларининг ижтимоий муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишларга доир».Т., «Ўзбекистонда фанлараро инновациялар ва илмий тадқиқодлар журнали»,2022.- № 12
9. Қодирова,З.А. «Ўзбекистондан узоқ хориж мамлакатларига меҳнат ресурслари экспорти». Т., «Экономика и финансы» журнали, 2019-№7, 127-б

Abstract. *Organizational and social features of foreign labor migration related to Uzbekistan have been studied by experts, but the legal regulation of this process has not been researched on a scientific basis. This article discusses this topical issue.*

Key words: *labor migration, international legal order, immigrant*

Аннотация. *Организационные и социальные особенности внешней трудовой миграции, связанной с Узбекистаном, были изучены специалистами, однако правовое регулирование этого процесса научно не исследовано. В статье рассматривается этот вопрос.*

Ключевые слова: *трудовая миграция, международный, правопорядок, эмиграция*

ЖУРНАЛ ТАЛАБИ

Журналга ёшлар долзарб муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган мақолалар қабул қилинади, хусусан давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ёшлар фаолияти, истиқболли ёш кадрларни етиштириш, ёшларга оид давлат сиёсати, таълим менежменти, лидерлик салоҳиятини ривожлантириш ва бошқа ёшларга оид масалалар жалб қилинади.

Мақолалар мазмуни:

- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб;
- фундаментал ишлаб чиқилган;
- асосланган хулосалар;
- аниқ ва раён баён этилган бўлиши лозим.

Таҳририятга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

1. Мақоланинг матни Word шаклида тайёрланиши.
2. Шрифт – Cambria, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши.
3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.
4. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация (50 та сўзгача) ва калит сўзлар (10 тагача) ўзбек, рус, инглиз тилларида, кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар.
5. Диаграмма, расм ва жадваллар рангли бўлиши шарт.
6. Ҳаволалар ОАКнинг адабиётларга қўйилган талаблари бўйича берилиши керак.
7. Мақоланинг умумий ҳажми 15 бетдан 20 бетгача, А4 форматида бериледи.
8. Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи, илмий унвони, илмий даражаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши, телефон рақами, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.
9. Мақолаларни электрон почта орқали юборилиши лозим. Электрон почта манзили: strategikkuchjurnal@gmail.com.
10. Таҳририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки чоп этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир хайъати қабул қилади.

Журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган қўлёзмаларни қайтариш ҳуқуқига эга.

ТРЕБОВАНИЕ ЖУРНАЛА

Журнал принимает научные статьи, направленные на изучение актуальных проблем молодежи и их решение, в частности освещающие деятельность органов государственной власти, государственного и общественного управления в молодежной сфере, развитие перспективных молодых кадров, государственную молодежную политику, управление образованием, развитие лидерства и другие вопросы, связанные с молодежью.

Содержание статей:

- актуальные с научной и практической точки зрения;
- фундаментально разработанные;
- выводы обоснованы;
- изложены ясно и лаконично.

Материалы, поступающие в редакцию, должны соответствовать следующим основным требованиям:

1. Подготовка текста статьи в Word формате.
2. Шрифт – Cambria, размер шрифта - 14.
3. Расстояние между строками должно составлять 1,5 интервала.
4. Структура статьи должна быть следующей: аннотация (до 50 слов) и ключевые слова (до 10 слов) на узбекском, русском и английском языках, введение, основная часть, заключение, список литературы.
5. Диаграммы, рисунки и таблицы должны быть только цветными.
6. Ссылки и сноски должны быть предоставлены в соответствии с требованиями ВАК.
7. Общий объем статьи от 15 до 20 страниц формата А4.
8. Название статьи, имя автора(ов), место работы, ученое звание, ученая степень на трех языках (узбекский, русский, английский), номер телефона, адрес электронной почты.
9. Статьи должны быть отправлены на электронную почту. Адрес электронной почты: strategikkuchjurnal@gmail.com.
10. Решение о публикации предоставленных в редакцию статей принимается редакционной коллегией.

Журнал оставляет за собой право вернуть рукопись, не соответствующую вышеуказанным требованиям.

JOURNAL REQUIREMENTS

The journal accepts scientific articles aimed at studying the urgent problems of youth and their solution, in particular covering the activities of state authorities, state and public administration in the youth field, the development of promising young personnel, state youth policy, educational management, leadership development and other issues related to with youth.

Contents of articles:

- relevant from a scientific and practical point of view;
- fundamentally developed;
- conclusions are substantiated;
- presented clearly and concisely.

Materials submitted to the editorial office must meet the following basic requirements:

1. Preparation of the text of the article in the Word version.
2. Font - Cambria, font size - 14.
3. The distance between the lines should be 1.5 intervals.
4. The structure of the article should be as follows: abstract (up to 50 words) and keywords (up to 10 words) in Uzbek, Russian and English, introduction, main body, conclusion and bibliography.
5. Charts, figures and tables should be in color only.
6. Notes should be provided in accordance with the requirements of the HAC for literature.
7. The total volume of the article is from 15 to 20, A4 pages.
8. The title of the article, the author's(s) name, place of work, academic title, academic degree in three languages (Uzbek, Russian, English), phone number, e-mail.
9. Articles can also be sent by e-mail. Email: strategikkuchjurnal@gmail.com.
10. The decision to publish the articles submitted to the editorial board.

The journal reserves the right to return a manuscript that doesn't meet the above requirements.

STRATEGIK KUCH

Xalqaro ilmiy jurnal

O'zbekiston Respublikasi
Yoshlar ishlari agentligi huzuridagi
Yoshlar muammolarini o'rganish va
istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti

100066, Toshkent,
Islom Karimov, 45.
Telefon: 71-232-61-31
E-mail: info@yomi.uz

